Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 28 (7. 117) 1990 йил 3 февраль, шанба Баҳоси 3 тийин

Партия турмуши: қайта қуриш қирралари

САМАРАЛИ ДАСТУР

Машинограмма варақасида ҳамма нарса равшан кўриниб турибди. Заводда қанча цех, бригада, бўлим бор, ҳар бир коллективда нечтадан коммунист ишлаяпти, ҳаммаси шу ҳужжатда акс этган. Партия комитети секретари ва унинг ўринбосари столяда ўша эскидан таниш бўлган папкалар, қўшма ҳисоботлар, ишларга оид ҳужжатлар йўқ. «Миконд» заводи партия комитети учун буларнинг ҳаммаси ўрнини оператив таҳлил эгаллади, бундай таҳлил электрон ҳисоблаш машиналари, шахсий компьютерлар ёрдамида бажарилади.

— Заводда тузилган «Консенциум» кооперативи ҳозир биз учун учта программани бажармоқда, — дейди партком секретарининг ўринбосари А. С. Хўжаев. — Аъзолик бадалларини ҳисобга олиш, коммунистларни цехларда, бригадаларда, бўлимларда жой-жойига қўйиш ҳамда қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш шулар жумласидандир. Вақти-вақти билан машинограммалар олар эканмиз, партия ташкилотидаги ишлар аҳволини аниқ кўриб турамиз.

Партия ташкилоти сайловга тайёргарлик кўрар экан, ўзининг сайловолди ҳаракат дастурини таклиф этди. Ана шу ҳаракат дастуридаги айрим фикрларни айтиб ўтайлик: район Советига шу территорияда ягона ҳўжайин ҳуқуқини бериш таклиф этилади; Район ва шаҳар тараққиётининг энг муҳим муаммолари ҳусусида қарорлар қабул қилинаётганида сўраб билинган жамоатчилик фикри асос бўлиши керак: биз аллақачон маҳрум бўлиб қолган ҳўжайинлик ҳис-туйғусини, ишга ижодий, ҳалол, жонкуярлик билан муносабат руҳини тиклаш, кундалик ҳаётда халқларнинг тенглиги ва дўстлиги принципларини қарор топтириш. Ҳаракат дастури ҳозирча умумий тусда бўлса ҳам, аммо сайловчиларнинг эҳтиёжлари, шунингдек сайлов округининг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олиниб тўлдирилади.

ЭҲМ ёрдамида ҳисоблаб чиқилганига кўра, районда корхонанинг 2752 ходими, жумладан 324 КПСС аъзоси яшамоқда. Партия комитети корхонадан шаҳар ва район Советлари депутатлигига номзодлари кўрсатилган 18 ишчи ва хизматчи учун сайловолди ташвиқотида коммунистларга суянмоқда.

— Партиявий ишда компьютернинг имкониятлари катта, — деб таъкидлади А. С. Хўжаев ЎзТАГ мухбирига. — Ҳозир биз «Партия комитети» системасини ишлаб чиқмоқдамиз. Ушбу система кўпдан-кўп ахборотларни таҳлил этишда самарали дастур бўлади. Шахсий компьютерлардан фойдаланиш партия комитети ходимларини зерикарли, аммо айни вақтда зарур бўлган ҳисобот-статистика таҳлилидан ҳоли этиб, кўпроқ одамлар билан мулоқотда бўлишга имкон беради, айни вақтда қўлимизда суҳбат вақтида зарур бўладиган барча рақамлар ва маълумотлар бўлади.



⊙ МОҲИР ТИКУВЧИ. Кўн галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг чевари Фотима Баҳобхўжаева.

Х. Мирзакаримов сурати.

Халқ номзодлари

18 февраль — Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлари депутатлигига сайловлар куни

ИНСОНИЙ БУРЧ

МАДАНИЯТ ходимлари касаба уюшмасининг вакиласи Муҳайё Мирзаалиевна Тўлаганова меҳнат фаолиятини дорихона санитаркалигидан бошлаб, касаба уюшмаси республика комитетининг раиси даражасигача кўтарилган камтарин аёл. Унинг номзоди 30-Фурқат сайлов округидан республика халқ депутатлигига рўйхатга олинган.

Халқ билан бирга яшаш, ҳамма қийинчиликларни халқ билан бирга бартараф этиш, турмушни биргаликда янги изга солиш, ҳамма муаммоларни биргаликда ҳал қилиш — республикадаги 660 минг коммунистнинг бири сифатида М. М. Тўлаганованинг ҳам муқаддас, ҳам инсоний бурчи ҳисобланади.

Агар у халқ депутати бўлиб сайланса иқтисодий, ижтимоий, экологик муаммоларни ҳал этиш, меҳнаткашларнинг маънавий бойлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини вужудга келтириш йўлида фидокорона хизмат қилиш ниятидадир.

М. Тўлаганова аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларни кўпайтириш, биринчи навбатда даромади кам оилалар ва гражданларнинг моддий аҳволини яхшилаш кераклигини билади. Ҳозир салкам 9 миллион киши ёки Ўзбекистон барча аҳолисининг 45 фоизи жон бошига ойига ўртача 75 сўмдан даромад олмоқда, бу эса яшаш учун зарур бўлган энг кам миқдорга ҳам етмайди. Ана шу кишиларга ижтимоий ёрдам бериш программасини амалга оширишда, уларнинг турмуш даражасини республикадаги ўртача кўрсаткичларга яқинлаштиришда қатнашиш нияти бор. Бунинг учун қўшимча резервларни излаб топиш, корхона ва хўжаликлар ҳисобидан уй-жой қуриш кераклигини яхши тушунади. Якка тартибда уй-жой қуриш ниятида бўлганларга ер участкалари ажратилиши ҳақида ғамхўрлик қилмоқчи. Тегишли идоралар билан, биринчи галда шаҳар ижроия комитети билан яқиндан алоқа боғлаб, бу масала ҳал бўлишини тезлаштиришни ўз бурчи, деб билади. М. М. Тўлаганованинг ҳаракат дастурида инсофсизлик, виждонсизлик йўлини тутиб, халқимизни, сиз билан бизни бошқалар олдида таҳқирламоқчи бўлган, пахтаси, олтини, пилласи, қоракўли, мева-чеваси, борингки, бутун топган-тутгани билан ўзга халқларга саховат кўрсатиб, ўзи ярим оч, ярим яланғоч яшаётган ўзбек халқини ҳақорат қилганларни одил қонун йўли билан жазосини бериш, адолат тантанаси учун курашиш муҳим ўрин тутади.

Қарийб ўн йил давом этган афғон уруши халқимиз бошига битган бало бўлди. Ватанимизнинг деярли 15 минг навқирон йигити афғон тупроғида ҳалок бўлди. Шаҳримиздан кетган 162 ўспирин ҳоки-поки темир тобутларда қайтиб келди. Биргина шу Октябрь районининг ўзидан Фатҳулла Азизов, Раҳимберди Икромов, Забихилла Исмоилов, Қаҳрамон Каримов, Абдурасул Ҳамидов, Қурбонхўжа Каримов, Алишер Иноғомжонов, Суннат Рустамов, Раҳматулло Эрдонов, Алексей Урбанов, Илья Ермолаев ва Валерий Захаров деган 12 нафар ўғлонларимиз ўн гулидан бир гули очилмай сўлди.

Ана шу бемаҳсад, бемаъни урушда фарзандларидан жудо бўлган оилаларга ҳар томонлама ёрдам беришни, марҳумларнинг руҳини шод этувчи ёдгорлик ўрнатилишини учун ҳаракат қилишни ҳам у режалаштириб қўйган.

Халқ дилидан тошиб, тилига чиқадиган бир қанча муаммоларни унинг юраги ҳис этган. «Шаҳарнинг бош плани билан танишмисиз? Эски уйларимиз бузиладими, бузилса қачон? Оилаларимиз квартира ёки ер участкалари билан таъминланадими? Бордию яқин орада бузилмайдиган бўлса, табиий газ, канализация, телефон ўтказиладими? Кўчалар асфальтланадими, ичимлик сув билан таъминлаш яхшиланадими? Иситиш системасига сон киради-ми?», деган саволлар туғилиши табиий. Иситилмаган хонада кўрпага ўралиб телевизор кўрадиган, бугун-эрта бузилса меҳнатим зое кетмасмикин деб уйини ремонт қилишга қўли бормайдиган, газ ўрнига тоннасини фалон пулдан сотиб олиб кўмир ёқадиган, ёзда чанг-тўзон, қишда ботқоқ йўлдан мактабга кетаётган боласидан хавотир оладиган, қўшни кўча бузилганида водопроводидан маҳрум бўлиб, энди ичимлик сувни ҳам сотиб олаётган одам шундай аламли саволларга жавоб олишни истайди.

Муҳайё Мирзаалиевна ташкил топганига 60 йилдан ошган Октябрь районининг дилхаста муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиш йўлида фидойилик кўрсатишига имонимиз комил.

Н. ОРИФЖОНОВ.

Демократияни ўрганайлик

ЭНДИ НАВБАТ ИШГА

БУ КУН худди байрамни эслатарди. Ҳафтанинг олтинчи куни бўлишига қарамасдан эрталабданоқ «Алгоритм» электрон-ҳисоблаш машиналари заводида ишчилар, инженер-техник ходимлар оқиб кела бошладилар. Йиғилишни ўтказиш учун мўлжалланган залга чиқаверишда уларни корхона ихтиёридаги бадиий ҳаваскорлик ансамблининг қатнашчилари карнай-сурнай садолари билан кутиб олдилар. Ҳамманинг юзида фахр-ифтихор туйғуси. Ҳамма коллектив ишончини қозонган, унинг тақдири учун курашадиган кишига овоз бериш фурсати етилганидан мамнун эди. Залда эса завод директорлиги вазифасига талабгорларнинг рўйхати осиб қўйилган. Улар тўрт киши. Тўртталаси ҳам корхона меҳнат коллективининг кейинги истиқболи учун курашишга муносиб, кўп йиллик бой иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар. Уларнинг таржимаи ҳоли, масъулиятли ишга сайлангач қандай режаларни амалга оширмоқчи эканликлари тўғрисидаги маълумотлар варақани безаб турибди. Рўйхатга кўз югуртирамиз: Борис Нахимович Болотин — завод бош инженери, Виктор Фёдорович Крилов — заводнинг умумий масалалар бўйича директор ўринбосари; Анвар Содиқович Маҳмудов — директор вазифасини бажарувчи; Игорь Сергеевич Попов — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси агрегат йиғув цехи бошлиғининг ўринбосари.

— Кимнинг директор бўлиб сайланишини истардингиз? — савол берамиз ишчиларнинг бирига.

— Менга қолса ҳаммасини,— деди суҳбатдошимиз ҳазиломуз кулиб. — Қаранг, улар шундай юксак ишончга муносиб кишилар. Сайловга қадар меҳнат коллективларида йиғилишлар ўтказдик. Ўз номзодларимизни тавсия этдик. Буни корхона меҳнат коллективининг кенгаши ҳам ўргакиб чиқди. Бугун эса омад кулиб боққанники.

— Директорлик вазифаси битта, — гапга аралашди яна бир ишчи. — Ўзимиз қўллаган номзодни сайлаш имконияти шу қадар масъулиятлики, унга ўткир кўз билан қараш зарур. Ахир бундай ҳукуқ ҳар доим ҳам берилавермайди. Бу ўринда мен бошқаларни камситмоқчи эмасман. Аммо маълум вақт завод директори вазифасини бажарувчи бўлиб ишлаган Анвар Содиқович Маҳмудовга илтимос катта. Ахир у ўзининг бу ишга қодирлигини кўрсатди-да.

Қўнғироқ чалинди. Эндигина шовқин-сурон, ўзаро баҳслар авж олган залга бир зум сокинлик чўкди. Сўнг аввал йиғилишни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Ишчи президиуми аъзолари, мандат ва саноқ комиссияси вакиллари санаб олинди. Тортишувлар, баҳслар, мунозаралар — йиғилишнинг кейинги манзараси ана шулардан иборат эди. Ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар, коллектив вакиллари ўз номзодларини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Уларнинг директорлик лавозимига сайланишини астойдил ёқлаб чиқдилар. Айниқса хизматчи Деревянченконинг залдан туриб билдирган фикрлари кўпчиликка маъқул бўлди.

— Раҳбарсиз ишлаш қийин, — дейди у куюниб. — Мана Анвар Содиқович вақтинчалик бўлса ҳам директорлик вазифасини бажарди. Емон ишламади. Коллектив унга таянганларидек, директор ҳам шубҳасиз коллективга суянади. Хўш, шундай экан, бу ёғи энди нима бўлади? Янги директор ишни нимадан бошламоқчи?

— Олдимизда турган муҳим ишлар кўп, — дейди Анвар Содиқович Маҳмудов. — Мен уларнинг ҳаммасини ўз программамда мужассамлаштирганман. Иш жойларидаги меҳнат ва социал шароитларни яхшилашдан тортиб, келгусида заводни ижара пудратига ўтказишгача бўлган долзарб вазифаларни бу программа ўз ичига олади.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам заводда қилинадиган ишлар кўп. Уларнинг барчаси янги директорнинг иш программасида ўз аксини топган. Мана, уларнинг энг муҳимлари: бу йил заводда муҳим янгиликка қўл урилади. Америкадаги фирмаларнинг бири билан корхона ҳамкорликда иш олиб боришни йўлга қўяди. Бу билан компьютерлар ишлаб чиқариш сифатини анча ошириш ва такомиллаштириш кўзда тутилмоқда. Хорижий алоқаларни кенгайтиришга фақат шу билангина чек қўйилмайди. Хитойдаги энг яхши фирма билан ҳам иқтисодий алоқалар ривожлантирилади. Хитой халқи медицинаси ва миллий ошхонасига монанд завод қошида маданий соғломлаштириш маркази очилади. Ишчи-хизматчиларнинг социал соҳага бўлган эҳтиёжларини қондиришга ҳам алоҳида эътибор берилади. Уй-жой олиш учун навбатда турганларга биринчи ўринда квартира тақсимлашга эришилади. Заводнинг ўзида қурилаётган 5 минг номерли автомат-телефон станцияси яқин ойлар ичида корхонадан ташқари «Алгоритм» ва «Қизил Шарқ» массивларида яшовчи 200 ишчи-хизматчининг телефонига эга бўлишини таъминлайди. Кўриниб турибдики, ҳали ҳамма нарса олдинда. Берилган ваъданинг қоғозда қолиб кетмаслигига ишонч бор. Корхонада тайёрланаётган «Агат» ва «Сўғдиёна» компьютерлари республикамиз мактабларида эндиликда кенг қўлланилмоқда. Унга талаб тобора ортиб бораяпти. Ўз ўрнида заводда маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга ҳам талаб кучаймоқда. Яқинда бу ерда чақалоқлар вазнини ўлчовчи электрон тарозининг дастлабки намунаси тайёрланди.

Анвар Содиқович Маҳмудов асли ишчилар синфи сафидан чиққан. Олий маълумотга эга бўлганидан сўнг турли жойларда, масъулиятли ишларда ишлаган. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер. Демак, энди навбат ишга.

Р. АҲМАДАЛИЕВ, «Тошкент оқшоми» мухбири.

Шаҳар — қишлоққа

ДЕҲҚОН УЧУН ЯНГИ МАШИНА

⊙ **«Ўзбексельмаш» бирлашмасида янги «УПХ-1,5г» кўрак чувиш машинаси яратилди. Бу йил бирлашма ана шундай янги техникадан 2800 дона ишлаб чиқаради. Хўш, ҳозир ана шу техникани тайёрлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда. «Ўзбексельмаш» бирлашмасининг бош конструктори Қ. С. Қодиров билан суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.**

— Янги машинанинг ўтмишдошларидан афзаллиги нимада?

— Янгиси аввалги «УПХ-1,5 в» маркали машинадан ўзининг қатор афзалликлари билан ажралиб туради, уч марта унумли ишлайди. ифлосланган пахтани сифатли тозалайди. Ўтган йили ана шундай машиналардан ўнтаси тайёрланиб республикамизнинг турли районларида синовдан ўтказилди. Айтиш мумкинки яхши натижа кўрсатди. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида намойиш қилиниб бу машинага бўлган талабгорлар ортди.

Ҳозир ана шундай машиналарни ишлаб чиқариш вазифаси турибди. Лекин осон бўлмаяпти. Чунки конструкторлар яратган иш чизмалардаги камчиликлар машина яратиш вақтида билиниб қолди ва уларни иш жараёнида бартараф этишга тўғри келмоқда. Бу ишда ГСКБ инженерлари келиб ёрдам-лашмоқдалар.

Янги машинани йиғиш ссон иш эмас, албатта. Унинг қирқ фоизга яқин узел ва деталлари янгича ишланган. Шунинг учун йиғиш технологияси аввалгиларидан бутунлай фарқ қилади. Энг муҳими, слесарь-йиғувчилар уни тезда ўзлаштириб олишлари лозим. Биз цехларга машинанинг тажрибадан ўтган пусхасини ва иш жараёнида туғилган масалаларни оператив ҳал этиш учун инженер-конструкторларни биркитиб қўйдик.


— Янги машинани яратишдаги асосий муаммолар нималардан иборат?

— Асбобсозлик цехида тайёрланган ёрдамчи дастгоҳлар бизни ташвишлантирмоқда. Чунки бу ерда иш силлиқ кетаётир, деб бўлмайди. Гоҳо айрим ўзгартишлар киритишга тўғри келмоқда. Аммо планда белгиланган кўрак чувиш машинасини ўз вақтида тайёр қилиш учун барча имкониятларни ишга соламиз.

...Бош конструкторнинг ташвишланаётганича бор. Янги машинани ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олгунга қадар бир қанча муаммоларни ҳал этиш керак.

Корхона коллективи олдида масъулиятли, аммо шарафли вазифа турибди. Қишлоқ меҳнаткашларига янги, ҳар томонлама унумли машина етказиб бериш керак. Бунга эришиш учун янги машина яратиш билан машғул бўлган ҳар бир ишчи, инженер-техник ходим ўзвий ҳамкорликда ишлаши зарур.

Суҳбатдош П. НИШОНОВ.



СУРАТДА: Янги кўрак чувиш машинаси.

М. Нуриддинов сурати.

ЎЛКАМИЗ БОҒЛАРГА БУРКАНСИН!

2 февраль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида боғ-роғлар, узумзорлар яратиш, манзарали ва бошқа кўчатлар экиш икки ойлигини ўтказишга бағишланган республика кенгаши бўлди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Давлат қишлоқ хўжалик кооперативи комитети, область агросаноат уюшмалари, республика ўрмон ва коммунал хўжалиги, Р. Р. Шредер номли боғдорчилиқ, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон» республика давлат-кооператив бирлашмаси, мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштирувчи область бирлашмалари, табиатни муҳофаза қилиш жамияти ҳамда уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раҳбарлари ва мутахассислари қатнашдилар.

Кенгаш қатнашчиларининг нутқларида Ўзбекистонда боғ-роғлар, узумзорлар яратиш ҳамда ўрмонлар бунёд этиш ва уларни сақлашда юзага келган аҳвол хусусида жиддий ташвиш билдирилди. Боғ-роғлар, узумзорлар ва ўрмонлар гуллаб-яшнаши учун қулай бўлган жойлар — республикамиз майдонларининг 5 фоиздан ортиқроғини эгаллайди. Айни вақтда ушбу майдонларнинг камайиб кетаётганлиги ҳам кузатилмоқда. Боғ-роғлар, ям-яшил ўрмонларнинг аҳволи жуда ёмон ҳолатда. Жойларда ана шу муаммога жуда кам эътибор берилмоқда.

Кенгашда кўкаламзорлаштириш ишларини яхшилаш юзасидан амалий таклифлар айтилди. Бу эса мева ва узум етиштиришни кўпайтиришга, Ўзбекистонда экологик ҳолатини яхшилашга, республикамизни янада гўзалроқ қилишга имкон беради.

Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистоннинг барча аҳолисига мурожаат этиб, уларни шаҳарлар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш, янги боғлар, узумзорлар ва ўрмонлар яратиш, мавжуд дов-дарахтларни соғломлаштириш юзасидан ўтказиладиган икки ойликда зўр ғайрат билан фаол иштирок этишга чақирдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. И. Икромов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

МУВАҚҚАТ КОМИТЕТ МАЖЛИСИ

Ўтган йили ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жамоатчилик вакилларининг иштирокида Тошкент шаҳрида интизом ва тартибни мустаҳкамлаш юзасидан қатор амалий ва профилактик тадбирлар амалга оширилди.

Аммо, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, шаҳардаги вазият жиноятчиликка қарши курашда жамоатчи ва бошқа уюшмаларнинг бундан буён ҳам иштирок этишларини талаб қилади. Тошкентда жиноятчиликка қарши курашга муваққат комитетининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида ана шулар ҳисобга олиниб, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда меҳнат коллективлари ҳамда жамоатчиликнинг иштироки шакл ва усулларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тасдиқланди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари У. Абдуғаниев, шаҳар план комиссияси раисининг биринчи ўринбосари Ш. Х. Фаттоҳов, шаҳар молия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т. Т. Ермакова ички ишлар органларининг моддий-техника таъминотини, ички ишлар органлари ходимларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга доир тадбирларнинг ижроси ҳақида муваққат комитетга ахборот бердилар.

Муваққат комитет қабул қилган қарорларнинг ижроси ҳақидаги ахборотлар тингланди.

Муваққат комитет мажлисини Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Л. А. Костин олиб борди.

Янгиликлар Воқеалар Хушхабарлар

Халқаро ташкилот ташаббуси билан

⊙ **ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Инсон ва биосфера» программасини амалга ошириш йўлида жойларда муҳим тадбирлар кўрилмоқда.**

Бу хайрли ҳаракат жумҳуриятимизда ҳам кенг қулоч ёзмоқда.

Ана шу дастур доирасида Ўзбекистондаги бир неча олий ўқув юртларида инсон саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган кузатишлар бошлаб юборилди. Тошкент автомобиль ва йўллар институти кафедраларида автомобиль транспорти ҳаракати вақтида чиқадиган оптика газларни бартараф этиш юзасидан махсус тадқиқотлар олиб боришга киришилди. Автомобиль транспортини табиий газ билан ишлашга ўтказиш ўз ижобий натижасини бермоқда.

Диплом лойиҳаларини тайёрлашда ҳам «Инсон ва биосфера» курс студентлари томонидан ёзилаётган диплом ишларига «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деб аталган махсус бўлим киритиш топширилди.

Оналик ва болалик муҳофазада

⊙ **ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича алоҳида илмий дастур ишлаб чиқилди.**

Бу муҳим ҳужжатда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан бир қанча йирик тадбирлар кўрилди.

Болаларни тўйимли овқатлантиришга қаратилган режалар ҳам диққатга сазовордир. Янги хил оқсил шифобахш маҳсулотларни тайёрлаш борасида олиб борилаётган кузатишлар ҳам самарали бўлмоқда. Ана шу илмий муаммо устида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Микробиология институти мутахассис олимлари яқиндан шуғулланмоқдалар.

Ўрта Осиё медицина педиатрия институти кафедралари ҳам болалар ўсмирлари олдидаги олиш бўйича тадқиқотлар кўламини кенгайтириб юбордилар. Олий ўқув юрти базасида педиатрия марказини тузишга киришилганлиги нур устига аъло нур бўлди. Ана шу хайрли иш учун Совет болалар фондининг Ўзбекистон бўлими 300 минг сўмдан ортиқ пул ажратди. Бу маблағ янги шифобахш маскан учун зарур асбоб-ускуналар, мебеллар сотиб олишга ҳам сарфланади.

С. ОДИЛОВА.

Даволаш маскани

⊙ **ЯҚИНДА Қуйбишев шоссесида кунига 120 хотин-қизга медицина хизмати кўрсатадиган хотин-қизлар консультацияси қуриб, фойдаланишга топширилди.** Бу ерда замонавий медицина жиҳозлари ўрнатилиб, қатор қулайлик яратилган. Бунёдкорлик ишларини 2-уйсозлик комбинати бинокорлари олиб боришди.

Д. ОТАЕВ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети мажлисидан

ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАШ ЕНГИЛМИ?

ЕКИ МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ЭТИШ ВА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИГА РИОЯ ҚИЛИШ ТУҒРИСИДА

⊙ Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 26 январь куни бўлиб ўтган мажлисида бошқа масалалар билан бир қаторда шаҳардаги Енгил саноат министрлигига корхоналарда меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

МАЖЛИС қатнашчилари шаҳар прокуратураси берган маълумотлар асосида мутахассислар ўтказган текшириш натижаларини кўриб чиқдилар. Республика Енгил саноат министрлигининг Тошкентда жойлашган 20 та саноат корхонасида 41,5 минг киши, шу жумладан 28406 хотин-қиз меҳнат қилади. Шу нарса таъкидландики, ўтган йили бу корхоналарда меҳнатни муҳофаза этиш шароитларини яхшилаш бўйича муайян ишлар олиб борилган. Санитария-соғломлаштириш тадбирларини жорий қилишга, коллектив шартномалар қоидаларини бажаришга катта эътибор берилган.

Масалан, бир йил ичида ана шу барча корхоналарда шовқин, тебраниш, иш жойларининг ёритилиши, газ миқдорлари 8 мингдан зиёд меҳнатчининг иш жойларида нормага мувофиқ ҳолга келтирилди. Меҳнатни муҳофаза этишга 2,7 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. 20 та корхонадан 6 таси бир йил мобайнида ҳеч қандай шикастсиз ишлади.

Бироқ енгил саноат корхоналарида меҳнат шароитларини тубдан яхшилаш рўй бермади. 1-Тошкент пойабзал бирлашмаси филиалларида, «Қизил тонг» бирлашмасининг 2-филиалида, «Малика» бирлашмасининг 1-тикувчилик фабрикасида санитария-маиший бинолар ва мосламалар нормага мувофиқ равишда таъминланмаган. «Учқун» бирлашмасининг резина-ўраш участкасида эса чанг даражаси 3—4 марта юқоридир.

Ҳавонинг юқори ҳарорати шароитларида эса Тошкент ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-йигирув-тўқув фабрикаси, ип-йигирув фабрикаси ишчилари меҳнат қилмоқдалар. Бу бирлашманинг ип-йигирув, тараш ва 1-йигирув-тўқув фабрикаларида ҳавода чангнинг миқдори йўл қўйиш мумкин бўлган даражадан 2—3 маротаба кўпайиб кетган. Унинг пардозлаш фабрикасидаги тайёрлов бўлимида эса бўёқлар ва кислоталарнинг буғларидан ҳосил бўлган газ миқдори эса нормадан 2—4 марта ошиб кетган. Бу ерда кислоталарни ташиш ва қуйиш ишлари механизациялашмаган. Уни ишчилар қўлларида қуйишади.

Ип-газлама бирлашмасида мана ниҳоят совутиш-компрессор станцияси қурилиши ниҳоясига етказилди. Аммо 1989 йил учун меҳнатни муҳофаза этиш бўйича белгиланган тадбирларнинг кўпи бажарилмади. Масалан, 2-йигирув-тўқув фабрикасида ёғочга ишлов бериш дастгоҳидаги ҳавони тозалаш системаси монтаж қилинмаган. Пардозлаш фабрикасидаги дока омборхонаси ва гул босиш бўлимига ҳаво мосламаси ўрнатилмаган. Механика цехида эса полларга металл плиталар қоқилмаган. Ишчиларнинг овқатланиш бўлимида эса гўшт ва балиқни бўлакларга бўлиш линияси қайта таъмирланмаган.

Ўтган йили шаҳарнинг енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган 86 та бахтсиз ҳодиса рўй берди. Бунинг оқибатида 2402 иш-куни йўқотилди. Уларнинг меҳнатга лаёқатсизликлари тўғрисидаги варақалари бўйича салкам 24 минг сўм пул тўланди. Бу корхоналарда рўй берган бахтсиз ҳодисаларнинг кўпи (58 таси) Тошкент ип-газлама бирлашмасига тўғри келади. Бу эса шаҳардаги енгил саноат корхоналари ўртасидаги энг йирик корхонада меҳнатни муҳофаза этиш ва соцнал масалаларни ҳал этишда нохуш аҳвол юзага келганлигидан далолат бериб турибди. Бу ерда мунтазам равишда ишчиларнинг етишмаслиги, кадрлар қўнимсизлиги юқори даражада эканлигининг бош сабабларидан бири шу эмасмикин?

1-Тошкент пойабзал бирлашмасида, ёрдамчи хом ашёлар ва ноандоза ускуналар заводида, чинни заводида меҳнатни муҳофаза этиш бўйича белгиланган тадбирларнинг ҳаммаси ҳам бажарилди, деб бўлмайди. «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасида, республика Енгил саноат министрлигининг ремонт-қурилиш участкасида, «Ўзэнерголегпром» корхонасида ёрдамчи хом ашёлар ва ноандоза ускуналар заводида ишлаб чиқариш шикастланишлари сони ошди.

Енгил саноат корхоналарида бахтсиз ҳодисаларнинг сабабларини ўрганиш ва таҳлил этиш шундан далолат бериб турибдики, меҳнатнинг хавфсиз усуллари ва техника хавфсизлиги қоидалари ишлаётганларга қониқарсиз ўргатилмоқда, иш жойларида инструкциялар юзаки тарзда берилмоқда, цехларнинг мастерлари ва бошлиқлари техника хавфсизлиги қоидаларига қандай риоя қилинаётганлигини етарлича назорат қилмаяптилар. Ёрдамчи хом ашёлар ва ноандоза ускуналар заводида, чинни заводида, Енгил саноат министрлигининг ремонт-қурилиш участкасида, ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасида цех бошлиқлари ва бошқа раҳбарларга меҳнатни муҳофаза этиш бўйича таълим бериш ва аттестациядан ўтказишга умуман эътибор берилмаган. Бинобарин бу ерларда ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар даражаси юқорилигича қолаётганлиги ҳам шундандир. Бу корхоналарда ўсмирларнинг меҳнати тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, балоғатга етмаган ёшларга отпуска бериш муддатларига риоя қилмаслик ҳоллари ҳам аниқланди.

Ўтган йили тармоқ корхоналарида ўтказилган текшириш мобайнида фақат касаба союзлари Марказий Комитети техник инспекцияси томонидан 1900 дан зиёд меҳнатни муҳофаза этиш қоидалари бузилганлиги аниқланди. 32 мансабдор шахсга жарима солинди. 5 нафар раҳбар иши юзасидан материаллар жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида прокуратурага оширилди. 7 раҳбарга эса бахтсиз ҳодисалар туфайли озор чеккан кишиларга етказилган зарарни ундириш бўйича даъволар қўйилди. Меҳнатни муҳофаза этиш қоидалари бузилганлиги учун 14 та дастгоҳ, 8 та участка ва 3 та цех иши тўхтатиб қўйилди.

Юқорида тилга олиб ўтилган қонун бузилишлари, деб таъкидланди ижроия комитет мажлисида, корхоналарнинг раҳбарлари, касаба союз комитетлари, меҳнат коллективлари кенгашлари меҳнатни муҳофаза этиш ва меҳнаткашлар саломатлиги масалаларининг социал-сиёсий ва иқтисодий аҳамиятига етарлича баҳо бермаганликлари, бу масалаларни ҳал этишга комплекс ёндошувнинг йўқлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимларининг етарлича ташкилотчилик ишлари олиб бормаганликлари оқибатидир.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қабул қилган қарорида енгил саноат корхоналарида меҳнатни муҳофаза этиш қоидалари тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилиш, меҳнатни муҳофаза этиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш бўйича ишларни кучайтириш юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланди. Шунингдек бу масалалар юзасидан корхоналар раҳбарларининг ҳисоботларини Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисларида мунтазам эшитиб боришга қарор қилинди.

Валн ОРИПОВ.

ШАНБА ОҚШОМИДА

Ён дафтарга СИНАЛГАН САБОҚЛАР

⊙ Одам қалби қанча тоза бўлса, сўзи шунча маъсум, лобар ва дилбар бўлади.

⊙ Қодир табиатнинг биргина хатоси — ёмонликни яратган, ноўрин жабр ва ноҳақ азоб чекаётганларни кўрганда бу хатосидан ўзи ҳам пушаймон бўлса керак.

⊙ Ҳар бир рангнинг ўз хосияти бўлиб, оқ — яхшиликка, қора — ёмонликка рамзий сифат қилиб олинган.

⊙ Инсон уч хислат билан улуғланади: биринчиси — ақл-заковати, иккинчиси — соғлом-бардамлиги, учинчиси — дўстга садоқатлилиги.

⊙ Ёлғончи ва субутсиз кимса билан дўст тутинма, у худди сояга суянган одам йиқилгандек панд беради.

⊙ Сени севган кишини ўзингга интизор қилма, билгинки, ташна гул сув бўлмаса қуруб қолгандек, севган одам қалби ҳам сенга ташналикдан озор тортиб, ёлғиз қолади. Садоқатга садоқат билан жавоб бер!

⊙ Юраги қора душман дўстини тубсиз жар бўйидаги чиройли гулни олишга ундаб, жаҳаннамга қулатади.

⊙ Таъмагир кимса яхши дўст бўлмайди, у кунгабоқарга ўхшаб ёруғ кунингда кулиб боқади, қоронғу кунингда юз ўгириб, навбатдаги бахти кулганларга боқади.

⊙ Меҳнат-машаққат билан яшаган одамнинг иродаси пўлатдек мустаҳкам бўлади.

⊙ Суюкли ёрнинг ширин сўзи атиргул ҳиди каби кайфиятни яйратади.

⊙ Ор-номуси, шарм-ҳаёси, иффатлатофати йўқ аёлнинг виждони йўқ!

⊙ Меҳр-муҳаббатни, вафо-садоқатни ва одамийликни билмайдиган кимсани иблис ҳисоблаб, ундан доим узоқ юринг!

Тўлқин РАСУЛЕВ.



⊙ МАТБААЧИЛАР. «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Сафура Нафасова етакчилигидаги қизлар ўз меҳнатларидан мамнун. Т. Каримов сурати.

18 февраль — Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлари депутатлигига сайловлар куни

САЙЛОВЛАР кампаниясида долзарб палла бошланди. Жойларда депутатликка номзодлар билан сайловчилар учрашувлари ўтказиляпти, номзодлар депутатлик мандати учун фаол кураш олиб боришяпти. Сайловчилар рўйхати тузилиб, участкалар овоз беришга тахт қилинмоқда. Бу ишларни қайдаражада ташкил этиш, биринчи навбатда сайлов округлари ва улар қошидаги участкалар фаолиятига боғлиқ. Биз шуни назарда тутиб, шаҳримиздаги бир нечта сайлов округи ва участкаларида бўлдик, у ерда олиб борилаётган тарғибот ишлари билан танишдик. Кўпчилик жойлардаги округ ва участкалар меҳнаткашларнинг чинакам севимли масканига айланганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу жойларда сайловчилар учун барча шароитлар яратиб берилган. Учрашувлар, турли мавзуларга бағишланган кечалар ташкил этилмоқда. Малакали лекторлар таклиф этилиб, улар сайловга оид мавзуларда суҳбатлар ўтказишяпти. Бундай ибратли округ ва участкалар жумласига Акмал Икромов районидаги 5 ва 15, шунингдек Сергели районига қарашли 167, 169-сайлов округлари, Киров районидаги 135-сайлов участкасини киритиш мумкин.

Аммо шаҳримиздаги айрим сайлов округ ва участкаларидаги аҳвол кишини қаноатлантирмайди. Текширувда бир қанча участкаларда сайлов кампаниясига тайёргарлик ишлари ўлдажўлда олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Участка раислари, ўринбосарлари, секретарлари, қолаверса, унинг аъзолари ўз ишларига тўла масъулият билан ёндошмаяптилар. Улар участкани сайловчиларнинг севимли масканига айлантириш фикри-зикри билан ёнмаяптилар, ишни бир нави юритиш билан кифояланяптилар, холос.

Октябрь районидаги 277-сайлов участкаси Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети биносида жойлашган. Участкага ажратилган хона эшигига «Сайлов участкаси комиссияси ҳар куни эрталаб соат 10.00 дан 20.00 гача сайловчиларни қабул қилади», деган эълон осиб қўйилган. Афсуски, биз соат 17.00 да бу ерда бўлганимизда участка эшиклари тақа-тақ берк эди. Бир неча сайлов округи жойлашган агитклубда ҳам ҳеч ким йўқ. Эшик қулфланган.

— Нега ҳеч ким йўқ? — сўраймиз қоровулдан.

— Бугун шанба — дам олиш куни.

— Ахир агитклуб эшигига 19.00 гача ишлаши, якшанба куни дам олиш куни эканлиги ёзиб қўйилган-ку?!

— Билмадим, нега бунча суриштирасизлар, сизларга нима керак ўзи?..

Бошқа гап-сўзга ҳожат қолмади. Ҳайрон бўлиб, Тошкент алоқа политехникуми томон йўл олдик.

Соат 17.30 минутда бу ерда жойлашган 278-сайлов участкасига етиб келдик. Бу ерда ҳам қоровулдан ўзга ҳеч кимни учратмадик. Ҳеч бўлмаса участка жойлашган хонани кўриб кетайлик, деган ниятда йўлак бўйлаб юрдик.

— Ҳозир у ерда ҳеч ким йўқ. Эшик қулф, — эътироз билдирди қоровул.

— Бугун участкада ҳеч ким бўлдими, ўзи?

— Билмадим, мен ишга яқинда келдим.

Бу ерда ҳам участка ҳар куни соат 19.00 гача ишлаши, якшанба куни дам олиш куни эканлиги ёзиб қўйилган.

Райондаги 20-ўрта мактаб биносига жойлашган 280-сайлов участкасига етиб келганимизда соат 18 дан 05 минут ўтганди. Бизни яна қоровул кутиб олди.

— Сайлов участкаси очиқми?

— Очиқ, нимайди?

— Биз участка фаолияти билан танишмоқчи эдик.

— Марҳамат, кириб танишаверинглар, лекин у ерда ҳеч ким йўқ. Яхшиси директоримизнинг олдига кира қолинглар.

Участка жойлашган хонани кўрдик. Биринчи бўлиб кўзимиз «4-сайлов участкаси» деган ёзувга тушди. Ҳайрон бўлдик. Нега 4, ахир кираверишга «280-сайлов участкаси» деб ёзиб қўйилган-ку?

— Бу эски ёзув, — дея аниқлик киритди директор Т. Абдумаликова. — Мен отпускадан кеча қайтдим, бугундан иш бошладим, камчиликларни тузатамиз.

Хўп, директорку отпускада экан, нега участкага раислик қилаётган Д. Қодировнинг эътиборидан бу ёзув четда қолди? Камчиликлар фақат шундангина иборат бўлса кошки эди-я! Бироқ участка ҳали тўла жиҳозланмаган: қўлланмалар етарли эмас, газета ва журналлар йўқ, телефон, радио, телевизор кўринмайди. Деворлар бўм-бўш, сайловга оид бironта плакат осилмаган...

Столга учта дафтар териб қўйилган. Уларнинг муқовасига чиройли ёзувлар билан «Участка сайлов комиссияси тадбирларини ҳисобга олиш дафтари», «Сайловчиларнинг истак ва таклифлари дафтари», «Агитатор кундалиги» деган сўзлар битилган. Лекин афсуски уларда бironта қайд кўринмайди. Участканинг ташкил этилганига бир ойдан ошиқ муддат бўлган бўлса-ю, бу ерга бironта сайловчи илтимос билан келмаган бўлса? Албатта келган. Лекин бу ерда ҳеч кимни учратолмаган. Шунинг учун унинг таклиф ва истаклари журналга қайд қилинмаган. «Хўжа кўрсинга» тутилган дафтарнинг эса боридан йўғи яхши. Шу куни ким навбатчи бўлиши кераклиги билан қизиқдик.

Рўйхатда белгиланишича, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси М. Мирсобирова навбатчилик қилиши керак экан. Бироқ у сабабсиз навбатчиликка келмаган. Ушбу участка раиси Д. Қодирова ҳам шу корхонада директор ўринбосари бўлиб ишлайди. Шундай экан, нега у М. Мирсобированинг навбатчиликка келмаганидан бехабар қолди экан?

Киров районидаги А. Мирраҳимшоев директорлик қилаётган 150-ўрта мактаб биносида жойлашган сайлов участкасида кўрган-кечирганларимиз ҳаммасидан ўтиб тушди. Соат 18 дан 30 минут ўтганда бу ерга етиб келдик. Болалар бизни сайлов участкаси жойлашган тор хонага бошлашди. Хона тартибсиз эди. Стол устидаги газеталар титилиб кетган. Унинг устига эски, декабрь ойиники, холос.

— Январь ойининг газеталари қани?

— Улар мана бу шкафда, — дея бизнинг олдимизга уюм-уюм газеталарни олиб ташлайди, кутубхоначи Р. Зайгер.

— Нега улар тартибга солиб тикилмаган?

— Ой охирида тикамиз...

Тавба, ой охирида тиқишнинг кимга кераги бор? Сайловчилар кундалик воқеа-ҳодисалардан ой охирида хабардор бўлишадими?

— Нега навбатчи йўқ?

— Бор эди, кетди.

Қарангки, бу хусусда ҳам келишмовчилик. Р. Зайгер «Навбатчи Е. Умарова эди», деса, қоровул «Г. Бобоев эди» дейди. Бу тортишув бизда умуман бугун бу ерда бирон киши навбатчилик қилганлигига шубҳа туғдирди.

Участка кўримсиз, сайловга оид қўлланмалар кам. Очиғини айтганда, бу ерда уч-тўртта қонунлар ва конституция китобидан ўзга ҳеч вақо йўқ. Ҳатто сайловчиларнинг келиб-кетганини рўйхатга олувчи дафтарлар ҳам тутилмаган.

Биз шу куни яна бошқа кўпгина участкаларда ҳам сайлов кампаниясига тайёргарлик ишлари суст бораётганлигининг шоҳиди бўлдик. Ахир сайловларга ҳаммаси бўлиб икки ҳафтадан бироз ошиқроқ муддат қолди. Шундай экан, сайлов участкаларидаги юқоридаги ҳол билан мутлақо келишиб бўлмайди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ, Пўлат НИШОНОВ.

«Бунча суриштирасиз, ўзи нима керак?..»

Само сирлари

ОЙ ТУТИЛАДИГАН ТУН



КОИНОТ кунма-кун ўз безакларини кўз-кўз қилиб, мухлисларига беқиёс завқ-шавқ бахш этади. Февраль ойи ҳам бундан мустасно эмас. Бу ойда Қуёш зодиак юлдуз туркумлари бўйлаб ғарбдан шарққа томон ҳаракат қилар экан. Далв юлдуз туркумидан Ҳут юлдуз туркумига ўтади.

Ҳаво очиқ бўлганда Эгизак юлдуз туркумида туни билан Юпитерни, тонг чоғи осмоннинг шарқ тарафида, Қавс юлдуз туркумида Венера ва Марсни, ойнинг иккинчи ярмидан бошлаб саҳар пайтида Сатурнни кузатиш мумкин.

9 февраль кечаси Ер — буюк ёритғичлар Ой билан Қуёш ўртасида бўлиб, бир неча соат давомида Ойни Қуёш нурларидан тўсиб қўяди. Бу пайтда коинот мухлислари Ойнинг тўла тутилиши ҳодисасини мароқ билан кузатадилар. Ойнинг қисман тутилиши 23 соату 29,5 минутдан бошланади. Тўла тутилиш 00 соату 50.2 минутда бўлади. Тутилишнинг энг катта фазаси 01 соату 12.0 минутда, тўла тутилишнинг охири 01 соату 33,9 минутда, Ойнинг қисман тутилишининг охири 02 соату 54.9 минутда кузатилади. Тутилишнинг бошланишида ёруғликнинг нисбатан камайиши кузатилиб, вақт ўтган сари у сезиларли тус олади, сўнг аста-секин Ой гардишини бир чеккадан кемтиб боради ва бутун доирани эгаллайди.

Шу ўринда тун маликаси — Ойнинг баъзи хосиятлари ҳақида ҳам маълумот берсак, азиз оқшомхонларга манзур бўлар, деб умид қиламиз.

Мана, йиллар, замонлар ўтмоқда, аммо Ойнинг таъсир-чан кучи сира ҳам сусаймаётир. Ой инсонни ижодга, изланишга, ўйлашга, сафарга чорлайдиган ғойибона кучга эга. Аждодларимиз Ойнинг фазаларини кузатар эканлар, икки янги Ой оралиғи ўзига хос равишда чораклерга бўлиниши ва тўрт чорак бир бутунни ташкил этишига эътибор берганлар. Натижада, бу давр — бир ой йилнинг ўн иккидан бир бўлагини билдириб, Ой календарининг асосини ташкил этган. Баъзи бир маълумотлар Ой фазалари билан табиат ва инсон руҳий ҳолатидаги ўзгаришлар монандлиги қадим замонлардан бери одамлар диққатини тортганлиги бежиз эмас. Буни қарангки, олимлар Дейд округида (Катта Майами — АҚШ) 1956—1970 йиллар оралиғида содир бўлган қотилликларнинг сабабини таҳлил қилаётиб, бундай кўнгилсиз ҳодисалар «авж» олган пайтлар аксарият ҳолларда янги ва тўлин Ой фазаларига тўғри келишини қиёслашибди. 108 метеостанцияларнинг 1942—1965 йиллар давомидаги маълумотларининг таҳлили эса, «кучли шамоллар асосан тўлин Ойнинг иккинчи кунига тўғри келишини» кўрсатган.

Ер сатҳида рўй берадиган сув кўтарилиши ва пасайиши ҳодисаларининг янги ва тўлин Ой фазалари билан боғлиқлигини фан ҳам исботлаган. Агар одам аъзои-таниннинг 80 фоизини сув ташкил этишини эътиборга оладиган бўлсак, у ҳолда асаби қаттиқ чарчаган айрим кимсаларга Ой фазалари маълум даражада таъсир этиши ва халқ орасидаги (одамнинг феъл-атворига тегишли) «ой боши — ой охири» иборалари ўртасида маълум бир боғлиқлик бўлиши ҳақиқатга тўғри келади.

Ой тутилган тунда ажойиб манзаралар намоён бўлиб, эзгу ниятлар куртак отиши табиий бир ҳолдир. Тинчлик ва яхшиликлар ҳаммамизга ёр бўлсин.

Сандбаҳром АЗИЗОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Астрономия институтининг илмий ходими.

Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

ДАСТУРХОНДАГИ ИССИҚ НОН



Тошкентда «Иссиқ нон» деб аталган яна бир новвойхона — дўкон очилди. Энди шаҳардаги энг кекса 1-нон заводи ўз маҳсулотларини фирма савдосига чиқаради.

Чехов, Пролетар ва Жуковский кўчалари кесишадиган ер ниҳоятда гавжум. Бу ерда турар жой даҳаларидан ташқари, учта катта саноат корхонаси, автомобиль йўл қурилиши институти, политехникум, иккита касалхона жойлашган... Унинг яқинида эса республика пойтахтининг асосий темир йўл бекати ҳам бор.

Ҳудди шу ерда 20-йилларда нон заводи қурилган эди. Ушандан бери ушбу корхонада кўп нарсалар ўзгарди: эски цехларни қайтадан қуришди, бу ерда республикада биринчилардан бўлиб унни қопсиз сақлаш ва ташиш системасини вужудга келтирдилар.

Мана, бу ерда яна янгилик бўлди — кўримсиз тош девор ўрнида шиша ва оппоқ ғиштдан чиройли бино қад кўтарди. Бинонинг ичкариси ҳам файзли: булочкалар, нонлар, турли-туман ширинликлар қўйилган қулай замонавий пештахталарга кўзингиз тушади. Бу ерда кафетерий ҳам бор. Деворлар ва шиплар ганч билан ўйиб ишланган, ўрнатилган жуда катта кўзгу гўёки зални кенгайтириб юборган. Девор орқасида — цехда гуруллаётган печнинг овози сал эшитилади, димоғингизга иссиқ ноннинг ҳиди уриларди.

Ушбу новвойхона тошкентликлар ва шаҳар меҳмонларига янги дўконга нисбатан кўпроқ қувонч бағишламоқда. Чунки ҳудди шу ерда халқимизда «Француз нони» номи билан машҳур бўлган «алоҳида» батон ёпадиган республикада биринчи линия ўрнатилди. Бундай чўзинчоқ батонлар ярим ойдан бери Тошкент нон дўконларида пайдо бўлмоқда.

Бу батонлар янги цехнинг бирдан-бир маҳсулотидир. Цехда Югославиядан келтирилган ускуна — кичик новвойхона ишлаб турибди. Бир сменада 860 килограмм нон ёпилди. Заводнинг ҳатто тажрибали новвойлари ҳам бу батонларнинг жуда мазали ва чиройли бўлишига осонликча эришмаганликлари тўғри. Ускуна етказиб берган фирма бу ерга ўз мутахассислари — маслаҳатчиларини юбормади. Бинобарин, новвойлар батон ёпиш сирларини ўзлари мустақил ўргандилар, печни турли шароитда — турли иссиқликда ишлатиб кўрдилар. Тошкентлик технологлар ҳатто Тожикистоннинг Ленинобод шаҳрига ҳам бориб келишди. У ерда ана шундай линияни сал илгари ишга туширишганди. Ҳар ҳолда батон ёпишнинг энг мақбул усулини топиб олдилар: батонлар яхшилаб ёпилади, хушхўр ва кўриниши чиройли. Бу ердан — 1-нон заводидан шаҳримизнинг ҳамма томонига батон юборилмоқда. Тошкентдаги бошқа нон заводлари бунга жавобан янги дўконга ўз маҳсулотларини жўнатишмоқда. Шунинг учун ҳам дўкон пештахталарида хилма-хил нонлар ниҳоятда кўп. Лекин, дўконда асосан заводнинг ўзи тайёрлаган, эндигина печдан олинган маҳсулотлар сотилмоқда.

— Ниҳоят харидорларга ўз имкониятларимизни кўрсатишимиз мумкин, — дейди нон заводи директори О. Ш. Саитов ЎзТАГ мухбирига. — Чунки шу вақтгача биз-нинг маҳсулотимиз кўп дўконларда бошқа маҳсулотлар ичида кўзга кўринмай қолиб кетаётган эди. Энди эса корхонамизда нонни қандай ёпаётганликлари шундоққина кўринмоқда. Фахрлансак арзийдиган нарсалар бор, — деб ўйлайман.

«Ташкентхлебпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида фирма савдоси режасини тузишар экан, худди шу мақсадни кўзлашганди. Ишни шаҳар нон заводлари дарвозахоналари олдида кичик-кичик дўкончалар очишдан бошлашди. Энди эса ўн йиллар ҳисобга олиниб, ўзига хос лойиҳа асосида қад кўтарган иккинчи дўкон — нонвойхона ўз эшикларини очди. Бирлашмада бундай йўл билан ҳам новвойларнинг обрўсини, уларнинг яхши ишлашдан манфаатдорлигини ошириш мумкин, деб ҳисобламоқдалар.

Шу боисдан фирма дўконларига алоҳида эътибор бериш-моқда. «Ташкентхлебпром» бош директори А. А. Отаев деярли ҳар куни бу ерга келиб турди. Деворлар ва полларга андоза беришдан тортиб цехдаги печларни «синовдан ўтказишгача» бўлган жараённи ўз кўзи билан кўрди, ёрдам берди, икир-чикирларни ҳам эътиборга олди. Республика Дон маҳсулотлари министри А. М. Муталов ҳам новвойхонага мунтазам келиб турди. Лекин у ҳам «обрўли» қурилишни шунчаки кўздан кечириш учун келмасди. Республикамизнинг ҳамма ерида тошкентликлар тажрибасм асосида кичик новвойхоналар қуришга ва нон билан фирмл савдосини йўлга қўйишга қарор қилинди.

Бу йўлда дастлабки қадам қўйилди. Новвойлар ўзларининг янги-янги ташаббуслари билан бизни қувонтиришларига умид қиламиз.

ШАНБА ОҚШОМИДА

Анъаналар—халқ мулки

НАВРЎЗ ШУНДАЙ ДИЛБАР ҚЎШИҚКИ...



НАВРЎЗ, менинг назаримда шундай ажойиб, дилбар, ёқимли қўшиқ-ки, уни бутун халқ авж пардаларда севиб куйлагандагина бутун оҳанг-сеҳрини намоён қилади. Бу гўзал қўшиқни синиқ овоз билан димоғда, чалакам-чатти хиргойи қилиб бўлмайди. Уни фақат баралла куйлагандагина мурод ҳосил бўлади. Афсуски, биз бу дилбар халқ таронасини баъзи тазйиқлар остида баралла куйлолмадик. Лекин ўзбек халқи уни унутмади, ёдидан чиқармади, дилида такрорлаб юрди. Қарангки, бугун Наврўз деган ажойиб қадимий халқ таронасини баралла куйлаш мумкин бўлган кунларга етиб келдик.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1989 йилда «Республикада ҳар йили 21 март куни «Наврўз» байрамини кенг нишонлаш, шу куни театр-томоша, мусиқа-назм ва цирк санъати хилма-хил намуналарини профессионал труппалар ва бадиий ҳаваскорлик коллективлари иштирокида кенг намойиш этиш мақсадга мувофиқ деб топилди», деган қарор қабул қилиб халқимиз дилидагини ифода этган бўлса, бу йил Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Наврўз» миллий байрами кунини дам олиш куни қилиб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиб кўнгилларни хушнуд этди. Бу, албатта, диёримизда ўз мевасини бераётган қайта қуришнинг маҳсулидир.

Дарҳақиқат, бундай ўйлаб қараганда дам олиш кунисиз ўтган ҳар қандай байрам байрамга ўхшамай қолади, чала ҳақиқатдай яримта бўлади. Эндиликда байрамимиз ҳақиқатдай бутун ўтмишига тўла ҳуқуқ олди. Энди буёғи бизга боғлиқ. Биз ҳаммамиз, бутун Ўзбекистон халқи катта тайёргарлик билан Наврўзни ўтказмоғимиз лозим. Катта тайёргарлик, ажойиб тадбирлар белгиланиб ўтказилсагина тўла мақсадга эришишимиз мумкин.

Ҳар бир байрамнинг ўз файзи ва расм-русми бўлганидек, Наврўзнинг ҳам ўз анъана ва расм-русмлари бўлган. Ўша анъана ва расм-русмларни замон руҳи акс этган ҳолда методик қўлланма ишлаб чиқиб, жойларга тез тарқатиш керак. У газета-журнал орқали бўладими, телерадио орқали етказиладими ёки китобча ҳолида нашр этиладими, бу ҳайрли юмушга вақт ғанимида киришиш керак. Бу қўлланмалар асосида ижодкорлар ўз байрам тадбирларини ўтказадилар, бойитадилар. Натижада Наврўз байрами анъаналари йилдан йилга такомиллашиб, сайқаллашиб боради.

Наврўз байрами Жумҳуриятимизнинг ҳамма шаҳарларида ва қишлоқларида ўтказилмоғи шарт бўлиши керак. Пойтахтимиз Тошкентда энг юксак савияда бўлади, албатта.

Менимча, Наврўз куни байрам маркази Ленин номли майдоннинг Навоий кўчасининг бошланишидан то В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройигача бўлиши керак. Байрам ўтгунча Навоий, Ўзбекистон, Энгельс кўчаларида транспорт ҳаракати тўхтатилса мақсадга мувофиқ бўларди. Байрам маркази, эсингизда бўлса бундан бир неча йил аввал Тошкентда Ҳинд фестивали ўтказилганидек ажойиб қурилмалар билан безатилса айни муддао бўлур эди. Мусаввирларимиз ана шунақанги миллий руҳни акс эттирган енгил, байрамона қурилмаларга паннолар ижод этсалар. Халқимиз ҳақиқий байрам кайфиятини ҳис қилиб, кўзлари қувонган бўларди.

Бир гўзал безатилган саҳнада ашулачилар хониш қилиб, раққосалар ўйнаб турса, иккинчи саҳнада эстрадамиз намояндалари жозиба билан куйлаб турса, учинчи саҳнада шоирлар мушоираси ўтса, бир томонда мусаввир ва сураткашлар кўргазмалари ташкил қилинса, қизиқчи ва аскиячилар ичакузди сўз ўйинлари билан байрамга қувноқлик бахш этиб турса. Отчопарда от ўйинларининг кириши шарафига от ўйинлари бўлса. Автопойга ва турли спорт мусобақалари ўтказилса...

Табиийки, ҳар қандай байрам ўзининг шоҳ таомлари билан файзли ва тароватли бўлади. Албатта, Наврўзнинг шоҳ таоми — сумалак ҳамда кўк солинган таомлар: ялпиз сомса, ялпиз чучвара, ялпиз манти ва ҳоказо. Булар уста пазандаларимиз томонидан тайёрланиб, кўчма ошхоналарда халқ истеъмолига чиқарилса нақадар фойдали бўлади.

Менинг истакларимдан яна бири Наврўзни янада ҳуррам ўтказиш учун партия ва ҳукуматимиз томонидан бериладиган унвонлар, мукофотлар фармони шу куни эълон қилинса. Худди шунингдек, Наврўз байрами куни халққа ёқимли янгиликлар сифатида баъзи моллардаги арзончиликлар, баъзи солиқлардан озод қилиш фармонлари шу кундан бошлаб кучга киритилса.

Мана шу каби тадбирлар амалга оширилса, Наврўз байрами халқ дилини ифода этадиган чинакам халқ байрамига айланар эди. Шунда Наврўзимиз инсон ҳис-туйғуларини ҳақиқий ифода қиладиган дил қўшиғига айланган бўлар эди.

Ҳайдар МУҲАММАД,
ССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

Олтин нишонли қовун

Ўзбекистон ССРнинг сабзавот, полиз ва картошка экинлари илмий-тадқиқот институти олимлари кўп йиллик меҳнатлари асосида яратган янги навлари фақат республикамиздагинаа эмас, балки Москвадаги Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасида ҳам маълум. Помидорнинг салатбоп «Октябрь», «Ўзбекистон», ширин қалампирнинг «Тошкент туҳфаси», «Зумрад», бақлажоннинг «Аврора» ҳамда қовуннинг «Оқ уруғ», «Кўкча», «Тўёна» ва «Кўк тинни» навлари Москвада — Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмаси орқали Лаос, Бельгия каби давлатларда ҳам намойиш этилди. Эрфурт шаҳрида ўтказилган кўргазмада қовуннинг «Оқ уруғ», «Кўк тинни» ва қалампирнинг «Тошкент туҳфаси» навларининг олтин медалга сазовор бўлгани айтилган эди.

Ортиқ МАХМАЮСУПОВ.

⊙ Доно халқимизда энг яхши инсоний хислат ҳақида ажойиб бир ҳикмат бор: «Тоқатлига тоғлар эгар бошини, тоқатсизнинг бировлар ер ошини». Бу дурдона гап, ибрат бўларли ҳикмат.

ТОҚАТЛИ бўлиш, қаноатлилик ва сабрлиликда катта фазилат бор. Шунинг учун бўлса керак: «Сабрнинг таги — сариқ олтин», деб бекорга айтилмаган. Сабр-тоқатлиликнинг бардош, босиқлик, вазминлик каби қирралари борки, унга амал қилинса фақат эзгуликларга эришилади. Халқ яна зикр этиб: «Сабр қилинса, ғўрадан қолва бўлур», дейди. Ҳа, доноларидан бири таъкидлаганидек:

Одамга сабр гар кўрингай заҳар,
Чидам ниҳоятда жонга бўлгай шакар.

Демак, сабр-қаноат-тоқат ҳам осон эмас, унинг машаққатли ва қийин томонлари ҳам бўлиб, ўнга чидаш ва синовлардан бардош бериб ўтиш ҳам яхши хислат ҳисобланади.

Сабр-тоқатга мулойимлик жуда ярашади, кечиримлилик эса уни безайди. Аммо енгилтаклик унинг тескариси ҳисобланиб, ҳеч қачон ва ҳеч ким ундан заррача наф кўрмаган, балки натижаси афсус ва надоматлар билан якунланган.

Агар енгилтакликка калтабинлик қўшилса, тағин ёмон, охири — войдир!

Танишларимиздан бири — Асқарни олий ўқув юртини битириши билан кафедрага ишга олишди. Ҳали ишга киришмасданоқ илмий ишга мавзу беришликни талаб қила бошлади. Устозлар, аввал назарий тайёргарлик кўриш зарурлигини уқтиришди. Бизнинг ёш ҳамкасбимизга ўгитмаслаҳатлар тескари таъсир қила бошлади. Унинг шошма-шошарлигига калтабинлиги қўшилиб, устозлар ҳақида ноўрин гап-сўзлар тарқата бошлади: «Мендан илмий иш мавзуини аяшяпти», «Бегоналарга қайишмайдиган номард одам экан»,... ва ҳоказо, ва ҳоказо. Шунақа майда гапларни роса чувалаштирди.

Қарангки, шунда ҳам устозустозда, Асқарнинг хурмача қилиқларини «ёшликка» йўйиб қўя қолди. Аммо Асқарнинг шартакилиги ортиб, жазаваси тутиб «бугун маошнинг камлигидан нолиб шовқин кўтарса», эртага илмий иш қилишга шароит йўқлигидан» аюҳаннос соладиган бўлди. Хулласи калом, Асқарнинг бетақотлиги коллектив аъзоларининг жонига тегди.

Турмуш чорраҳаларида

ТОҚАТЛИГА ТОҒЛАР ЭГАР БОШИНИ

Шуларни кўз олдимдан ўтказар эканман, бехтиёр аллома Муслиҳиддин Саъдийнинг мана шу каломи хаёлимдан ўтди: «Сабр билан юмуш битар, сабрсизлар ўз обёгидан кетар». Дарҳақиқат, сабр-тоқат билан битмайдиган ишни битирса бўлади, аммо шошқалоқлик, чидамсизлик эса бунинг акси ҳисобланиб, ишнинг чаппа кетишига олиб келади.

Ҳозирги қайта қуриш ва ошкоралик пайтида баъзилар «тўғри сўзман», «ҳақиқатгўйман» деб юзсизлик қилишаяпти. Бундайлар ўзининг андишасизлигини, бошқаларнинг иззат-нафсига тегишини ҳақиқатпешалик билан никоблоқчи бўладилар. Бундай кимсалар ўзларини қандай кўйга солмасинлар, ўзларига қанчалик «чиройли» номларни қўйиб олмасинлар, барибир найранглари ўтмайди, чунки халқ деган ҳакам борки, у аниқ ва тўғри баҳони беради.

Унутмаслик керакки, сабр-тоқат кишиларни чидамлиликка тайёрлайди, вазминлик билан мулоҳаза юритишга ўргатади.

Аммо, сабр-тоқат дегани «олма пиш, оғзимга тушсин» қабилида қўл қовуштириб ўтириш деган маънони англатмайди. Аксинча сабр-тоқат, чидам билан ишлашликни, матонат, ғайрат керак бўлса мардларча курашишликни тақозо этади.

Маҳсум аканинг ёлғиз қизи ўнинчи синфни битираётганда яқин таниш-билишлар «бегона» қилмасликка шаъма қилиб қўйдилар. Ҳадича аяга ушбу гаплар мойдек ёқиб, анча серҳаракат бўлиб қолди. Ҳа, Ҳадича аяни ҳам тўғри тушуниш керак, тўққиз боладан ҳаёт қолгани мана шу Феруза бўлди-да... Маҳсум ака Феруза билан суҳбатлашиб кўрса, қизининг орзу-ҳаваси ўқишни давом эттириш. Бунинг устига ҳаммага ҳам олтин медаль бераверишмайди-ку? Маҳсум ака хотини Ҳадича аяни учтўрт йил сабр қилишликка бир амаллаб кўндирди. Ферузанинг олий ўқув юртидаги ўқишлари ҳам чакки бўлмади, учинчи курсдан бошлаб Ленин номидаги стипендия соҳибаси бўлди. Тўртинчи-бешинчи курсларда ўқиб юрган чоғида Маҳсум акаларнинг «меҳмонлари» яна қалинлашди. Феруза дадасига, ўқишни тамомлаганимдан кейин ихтиёрларинг, деди. Имтиёзли диплом билан ўқишни тугатган Ферузани институт раҳбарлари марказий шаҳарларнинг бирига аспирантурага йўлланма беришди. Бу хушхабар қанчалик қувончли бўлмасин, Маҳсум акалар онласи учун шунчалик жанжалли бўлди. Ҳаммадан ҳам Ҳадича аянинг шовқини зўр эди: — «Йўқ, йўқ. Ҳеч ҳам розимасман, кутиб-кутиб тоқатим тоқ бўлди. Битта боламни ҳеч қаёққа юбормайман», деб кўз ёши қилаверди. Феруза босиқлик билан дадасига вазиятнинг моҳиятини тушунтирди... Хуллас, Феруза аспирантурада ўқишни давом эттиришга муваффақ бўлди. Тиришқоқ қиз муддатидан олдин илмий ишини ҳимоя қилиб, очиқ юз билан днёрига қайтди. Аспирантурада танишиб, аҳдлашган Мажид билан тўйлари бўлди. Ҳозирги кунда бу олимлар онласида бир ўғил ва бир қиз тарбияланяпти. Маҳсум ака ва Ҳадича аялар ҳам ўлар билан бирга, хурсандчилиги чексиз, турмушларидан мамнун. Ҳеч шубҳасиз ҳар иккала олим жамиятимизга зарур кишилар. Лекин ана шу «зарур кишилар»нинг камолга етиши учун қанчалар сабот-матонат, тоқат ва сабр жуда-жуда керак бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, сабр-қаноат чашмаларидан қониб борилса, инсоннинг етуклигига етуклик қўшилади. Турмуши мазмунли ўтади, ҳаётнинг маъносини теранроқ англаш малакалари тобланиб боради. Пиру бадавлат, ақли доноиш қарияларимизнинг ҳикматларга бой хазиналари йиллар давомида сабр-қаноат, тоқат билан йиғилганлигини назарда тутсак, инсоний зийнатнинг ғоят бебаҳо эканлигини биламиз.

Мусақул УСМОНОВ,
Халқлар Дўстлиги ордени Тошкент халқ хўжалиги институтининг доценти, тарих фанлари номзоди.

Антиқа пазандалик

ЧИГИРТКА КАБОБ

⊙ Хитойларда шундай бир мақол бор: «Пиширадиган пазанда бўлса, еб бўлмайдиган газанда йўқ». Маълумки, жаҳонда: Жанубий Америка, Африка, Осиё, айниқса, Жанубий-Шарқий Осиёда яшовчи халқларнинг пазандалигида илон, калтакесак, тошбақа, қурбақа, тимсоҳ, чувалчанг, гўштketди, хуллас сизу биз истеъмол этмайдиган кўпгина судралувчи, сузувчи ҳайвонлар ва ҳашаротлардан мазаллиқ сифатида фойдаланиш удумлари бор. Қуйида гап чигиртка устида боради.

ПАЗАНДАЛИК тарихини ўрганар эканмиз, қадимги юнон жўғрофи ва тарихчи олими Геродот қолдирган маълумотига кўра, ўша вақтларда Осиёда яшаган насаман қабилалари чигирткани тансиқ таом сифатида хуш кўриб ер эканлар. Улар ҳашаротларни тутиб, чўпга илиб офтобда қуритишаркан-да, сўнг талқон қилиб кафт отишаркан.

Чигирткахўрлик ҳанузгача давом этади. Чунончи, Бирма ва Индонезияда улфатлар бироз ҳордиқ чиқаришмоқчи бўлишса, кечки пайт далага, ё бирор бутазорга, ўрмон четига йиғилишар, давра қуриб ўтириб ўртага олов ёқишар экан. Атрофдаги чигирткалар гулхан томон учиб келганида тутишиб, чўпга илишар, лахча чўғ устида кабоб қилиб, еб ўтиришиб суҳбатлашишар экан.

Машҳур журналист Василий Песков Марказий телевидениенинг «Ҳайвонот оламида» кўрсатувида қизиқ воқеани намойиш этган эди. Унда чигирткаларнинг Саудия Арабистони, Эрон ва бошқа мамлакатларнинг деҳқончилигига етказаётган зарарлари тўғрисида гап кетди. Баъзи йиллари чигирткалар галаси нимаики экин бўлса қийратиб деҳқонларга ҳеч нарса қолдирмаганида, одамлар чигирткаларнинг ўзини ейишга мажбур бўлганликлари айтилди. «Одамлар еяётганлари учун мен ҳам чўгда қовурилган чигирткадан биттасини татиб кўрдим, — дейди В. Песков, — Мазаси ғоят ялпоқи, биз ейдиган таомларга сира ўхшамайди. Лекин буни фаллоҳлар (деҳқонлар) нонложликдан ейишларини англадим».

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари учун чигиртка галалари экин майдонларини яп-яйдоқ қилишиб, ҳақиқий офатга айланишган. «Бу ҳашаротларга қарши курашишнинг яна қандай иложи қолди?» деган савол ўртага ташланганда, бунга икки тайландлик талаба ғаройиб жавоб топдилар. Ҳар иккаласи беш минут ичида бир килограммдан қовурилган чигирткаларни еб юборишиб, махлуқларга қарши кураш бўйича ўтказилган конкурсда голиб деб топилганлар.

Таиландининг шимолий ва шарқий районларида яшовчи аҳоли учун чигиртка кабоб тансиқ таом ҳисобланади. Бир килограмм қовурилган чигитканинг баҳоси бир килограмм маккажўхори бодрогидан саккиз маротаба қиммат туради.

Карим МАҲМУДОВ.



«ЎЗБЕКЛАР ДИЁРИДА»

⊙ Ростини айтсам шу ҳақда мен ҳам анчадан буён ўйлаб юргандим. «Оқшом»да эълон қилинган мақола ва ундаги уч савол эса ўз фикрларимни баён этишимга имкон берди.

Китобни шундай номлар билан аташни таклиф қиламан: «Ажойиб, ғаройиб, тасодиф», «Ўзбеклар диёрида», «Энг, энг, энг...» ва «Янги чўққилар».

Хуллас, Ўзбекистоннинг мутлақ натижалар китобини кутиб қолмасдан, унинг дунёга келишида ҳаммамиз қўлимиздан келганча ёрдам берайлик.

М. ТУХТАНАЗАРОВ,
Андижон вилояти, Избоскан райони, «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг 3-бўлим нишчиси.

УЗИМИЗДА ҲАМ ВОҚЕАЛАР БЕҲИСОБ

⊙ «Тошкент оқшоми»нинг шу йил 10 январь сонида эълон қилинган «Энг, энг, энг...» сарлавҳали мақола-таклифни ўқидиму қўлимга қалам олдим. Ўзбекона «Гиннес китоби» бизга жуда керак. Ахир бизда ҳам тилга олишга арзигулик воқеа, ҳодиса, натижалар беҳисобку.

А. ДЕҲҚОНОВ,
Наманган мева-сабзавотчилик техникуми талабаси.

* * *

Ҳурматли оқшомхонлар! Мактуб орқали ўз фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб юборганингиздан жуда мамнунмиз. Дарҳақиқат, бизда ҳам китоб қилишга арзийдиган тарихий воқеалар, натижалар жуда кўпку. Нега улардан хабардор бўлмаслигимиз керак? Қолаверса бу китобга ҳеч қачон нуқта қўйилмайди. Ҳаёт бор экан, у ҳам давом этаверади. Келинглар, уни биргаликда яратайлик.

Шанба фельетони

ФАЛОНЧИ «ЎЙЛИ» БЎЛИБДИ

БЕКОРГА айтмайдилар: «Ўз уйим — ўлан тўшагим», деб. «Фалончи уйли бўлибди» дейишса бу бахтиёрга қўшилиб суюниб қўямиз.

Лекин ҳазил ҳазилу, таги эса... зилзамбил. Уй қураётган қурувчилар ҳам ана шу зил-замбилни кўтаришолмаяпти-да!

Буни Чилонзор райони мисолида кўриб қўя қолайлик. Ўтган йилнинг бошида мишмиш тарқалди: «Ҳа, нима дейсан, қурувчилар 103754 квадрат метр уй-жой қуриб, ҳаммани квартира билан таъминлармиш». Хушхабарнинг қаноти бор эмасми, бир зумда Чилонзор бўйлаб тарқалди. Қурувчиларнинг шаънига ҳамду саноолар ёғилди. Уйсиз юрганларнинг оғзи қулоғига етди, кўнгли бўшлари эса севинчдан кўзи ёши ҳам тўкиб олди. «Ҳа, энди «ватанли» бўларканмиз-да», деб кимдир дўпписини, кимдир шапкасини кўкка отди. Қурувчилар ҳам ваъдани қуюқ қилишиб, ишни бошлаб юборишди. Киприк қоққунча 1990 йил кириб келди. Лекин ғалвирни сувдан кўтариб, жўжани санашга келганда... ишларнинг чатоқлиги билинib қолди. Ҳисобчилар шоша-пиша «адашдикмикан» деб яна чўт қоқишди. Аммо қозонда бори чўмичга чиқди. Уй-жой қурилиши плани 91 фоиз бажарилибди, холос. Буюртмачи — 1-капитал қурилиш бошқармаси (бошлиғи У. А. Маҳкамов) ва ёрдамчи пудратчилар 153-трест (бош инженерлари Б. А. Хўжаев), 2-уйсозлик комбинати, 12-трест, ҳажмблокли уйсозлик трести қолган бир ой мобайнида қарзини узолмадилар. Шундай қилиб, 10 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилмай қолди. Қурувчиларнинг қуруқ вваъдасидан ҳафсаласи пир бўлган чилонзорликлар чапак чалиб қолавердилар.

Кейинги йилларда «аҳоли турар жойларини комплекс қуриш керак» деб аюҳаннос соляпмиз. Аммо бу масала қоғоздагичача қолиб кетяпти. Янги уйга кўчиб келган аҳоли эса уй тўйини ҳам йиғиштириб, ўз квартирасида бунёдкорлардан қолган камчиликларни обдон «текислаб» бўлгач, эсига нон дўкони, мева-сабзавот дўкони, маиший хизмат кўрсатиш пункти ва бошқа қулайликлар тушиб қолади. Шундан сўнг турли ташкилотларга сим қоқади, шикоят хатларини ғизиллатади. Бу хайрли ишдан депутатлар ҳам четда қолишмайди. Қарабсизки, янги қилинган асфальт кўчалар қайта бузилиб, кўмилган ҳандақлар қайта очилиб, яна қурилиш бошлаб юборилади. Бу ҳам уддалаганники, акс ҳолда кутишдан нарига ўтилмайди. Балки буни «Алихўжа — Хўжаали-ку!» дерсиз. Йўқ, ундай эмас. Буни бир ишни икки қилиш, бошқача айтганда ғирт хўжасизлик дейилади...

Дарвоқе, 153-трестнинг 39-қурилиш бошқармаси (бошлиғи Р. Ражабов) ҳам чилонзорликларга панд берди. Маҳалланинг жамоат тадбирлари ўтказувчи марказ биноси чала қолди. Маълум бўлишича, буюртмачи — 1-капитал қурилиш бошқармаси лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида етказиб бермаган экан. Гап бошқа, иш бошқа деганларидек, ЖЭКнинг ҳам жамоатчилик маркази «музлаганича» қолиб кетди. Чунки ўша 1-капитал қурилиш бошқармасидаги мутасадди кишилар ҳамон инженерлик тармоқлари учун мўлжалланган лойиҳа-смета ҳужжатларини бермай, пайсалга солиб юрибдилар. «Ҳа, деган туяга мадад» дейдилар. Бироқ қурувчилар ҳам мум тишлаб олишган. Ёки бу нарса уларни мутлақо қизиқтирмайдигандай...

«Уйли» бўлаётган чилонзорликлар эса юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳамон азобдалар. Улар қурувчиларнинг қолдирган «эсдалик»ларини тузатиш билан оворалар. Кимдир қалбаки касаллик варақаси очтирган, кимдир меҳнат отпускаси олган... Ҳа, десангиз, шунақа бўлиб қолди», деб, ийманиб елка қисади. Айниқса, 39-қурилиш бошқармаси янги уйларга кўчиб кираётганларга яхшигина «юмуш» қолдирган экан. 44 ва 45-уйларнинг қайси квартирасини текширамиз деб танлаб ўтирмадик. Бунинг учун чек ташладик. Чек қайси квартирага тушса ўша квартирани кириб кўрдик. Минг афсусларки, 5, 9, 10, 14-квартираларнинг ҳолига маймунлар йиғларди. Хоналарнинг шифти сувоғи кўчиб тушяпти, эшик, дераза ва ромларнинг тирқишларидан суварак тугул сичқонлар ҳам бемалол ўтади, гул қоғозлар эса маст кишидек, у ёқдан бу ёққа «ташлайди». Санитария-техника жиҳозлари эса елвизакка ҳам қалтирайди...

2-уйсозлик комбинатининг 60-қурилиш бошқармаси (бошлиғи Г. Г. Селиванов, бош инженери А. У. Уматалиев) қурувчилари ҳам сифатсиз уй топширишда ҳамкасбларидан қолишмабди. Улар қурган 50-уйнинг танлаб кўрган 19, 41, 48 ва 82-квартиралари, 55-уйнинг 101, 113, 114-квартиралари аҳволини кўриб, ҳангу-манг бўлиб қолдик. Шифтлардан оппоқ «қор» ёғилади. Ошхона деворлари бўёғи эса кўчиб кетганидан ола-була бўлиб қолган. Эшик-дераза-ларнинг тешикларидан елвизак ғизиллайди. Гулқоғозлар эса «мулойимгина» кўчиб тушяпти... Хуллас, камчиликлар ғиж-ғиж, санаб улгуролмайсиз, Лекин «Алгоритм» ва «Қизил Шарқ» массивларидан уй оламан деб турган ҳамшаҳарларимиз шунга ҳам розки: тўртта девор орасига кириб олсалар бас.

Бу ҳам майли, ҳар ҳолда сифатсиз бўлса ҳам айримлар «уйли» бўлиб қолишди. Хўш, бошқалар-чи? Улар қачонгача кутишади? Ахир «Ваъда вафоси билан гўзал», деган гап бор. 12-трестнинг 50-қурилиш бошқармаси (бошлиғи М. С. Энельбоим), «Алгоритм» массивида 22-уй (3132 квадрат метр)ни қуриб битказолмади. Шу трестнинг 51-қурилиш бошқармаси (бошлиғи Э. И. Игель, бош инженери Е. В. Дубовицкий) қурувчилари ўтган йилнинг 3-кварталигача учта уй (2136 квадрат метр)ни топширамиз, деб обдон оғиз кўпиртиришган эди. Аммо уларнинг ваъдасини шамол учириб кетди. Ўтган йили бирор бир квадрат метр жойни фойдаланишга топширолмадилар. 159-трестнинг 61-қурилиш бошқармаси (бошлиғи Ю. Д. Кубраков) «ХХ партия съезди» массивида эса хизмат кўрсатиш блоки қурилишини ўлда-жўлда қолдирди...

Э, ҳа, гапираверсак гап кўп. Буларнинг ҳаммаси — мазкур қурилиш ташкилотларининг бир маромда ишламаганликлари, ўз ишига совуққонликлари, айниқса буюртмачи — 1-капитал қурилиш бошқармасининг қурилиш объектларида ишни ташкил эта билмаслиги оқибатидир. Пировард натижада ўтган йили яхши ният билан уй тўйи ўтказаман деб юрган ҳамшаҳарларимиз доғда қолдилар. Хўш, улар қачонгача тишларини тишларига қўйиб, сабр косаси тўлиб, яна қанча кутишади?

Тўхтамурод ТОШЕВ.



⊙ ЧЕВАРНИНГ ЛОБАР ҚЎЛЛАРИ. Республика трикотаж моделлари уйининг тикувчиси Н. Монакова.

Р. Шарипов сурати.

Болалар боғи

ЎЙИН

Ўйинлар соз бўлар:
Ғози-чи, ғоз бўлар.
— Тўйчи, сен —
Тулкисан?
— Йўғ-э, мен —
Тўйчиман.

ТИЛИНГГА НОВВОТ

— Ойнакми, тароқ?
Қўлинг ол тезроқ!
Битта муҳаймоқ.
— Тилингга новвот —
Иккимиз ўртоқ!

ҚИЗИҚ

Ит ҳурса, «қўй-қўй» деб тез
Кириб келди аммамиз
«Итимиз қўй эмас-ку»,
Кулворди ҳаммамиз.

Анвар МИРЗАЕВ.

Сизга қулай бўлади

⊙ Шаҳар савдо Бош бошқармасидан хабар қилишларича ҳадемай республикамиз пойтахтида «Юнусобод» универсамн фойдаланишга топширилади. Марказий универсам ва Бош универсал магазинлари билан рақобат қила оладиган бу савдо шохобчасида харидор ва хизматчилар учун барча қулайликлар яратилади. Универсам Юнусобод массивининг 16 — 17-кварталида жойлашган

⊙ Биринчи кварталда Шифонорлар шаҳарчасида хўжалик ва маданий моллар билан савдо қилувчи магазин аҳоли хизматида бўлади. Худди шундай хўжалик ва уй-рўзғор учун керакли жиҳозлар билан харидорларга хизмат кўрсатадиган магазин «Ғалаба»нинг 40 йиллиги» массивида ҳам ишга туширилади.

Аҳмад ФАЙЗИЕВ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ

Телепрограммалар

5 февралдан—11 февралгача

Душанба, 5

● ЎзТВ I

17.30 «Давлат тили тўғрисидаги Қонун — амалда».
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Ўрмон эртаклари», «Фил ва Кўпикча». Мультфильмлар.
18.30 «Алифбо сабоқлари» (такрор).
19.15 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Фаровонлик йўлидан».
20.30 «Ахборот».
20.50 ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Олмахон Ҳайитова куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Ойбек. «Навоий». Кўп серияли телевизион видеофильм. 7-қисм.
23.30 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.00 Болалар учун. «Юлдузча» (рус тилида).
19.30 Спорт программаси: 1. Сузиш бўйича ЎзССРнинг қишки чемпионати (4 февралда ёзиб олинади). 2. Спорт шарҳи.
20.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Йўлингиз бехатар бўлсин!». Тошкент шаҳар Давлат автомобиль инспекцияси вакиллари иштирокида кўрсатув.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дарек».
22.30 «Ёш композиторнинг саёҳати». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 Мультфильмлар: «Топилма», «Мушкул ҳолга тушган мушук».
9.25 Фигурали учиш. Европа чемпионати. Кўргазмали чиқишлар. Ленинграддан кўрсатилади.
11.55 «Стоп-кадр». Илмий-оммабоп киножарҳ.
12.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот).
13.00 Н. Метнер. Квинтет.
13.30 «Одамга том не даркор?». Ҳужжатли фильм.

* * *

16.00 «Ота кўрасининг ҳарорати». Ашхободдан кўрсатилади.
16.35 «Ошхонадаги гаплар ёки Бахтли аёл монологи». Ҳужжатли фильм.
16.55 Болалар соати (француз тили дарси билан).
17.55 «Тараққиёт. Ахборот. Реклама».
00.40 «Бизнинг бурчимиз». «Гжель — ўзи қанақа!».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Эксперт системаси тавсия этади». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Тарих. 9-синф. Декабристлар қўзғолони.
10.05 Итальян тили.
11.05 «Уй академияси».
11.35, 12.45 Биология. 7-синф. Қўзиқоринлар.
11.55 Болалар соати. «Звёздочка». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув журнали.

*

13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Сарсонлик-саргардонликда» («Мосфильм»). 1-серия.

* * *

17.30 «Тақдир чизиғи». Фильм-концерт премьераси.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 Мустай Карим. «Хотираларни варақлаганда».
20.20 «Пламя» ансамбли ижро этади.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ўтиш йўли». Мультфильм.
20.45 «Вулқонлар мамлакатига...». Телефильм.
21.05 Д. Шостакович. «Олтин аср» балетидан парчалар.
21.30 Енгил атлетика. СССР чемпионати. Челябинскдан кўрсатилади.
22.20 «Осойишта тергов». Бадиий фильм («Ленфильм»).

Сешанба, 6

● ЎзТВ I

17.30 «Давр тақозоси билан». Самарқанд вилоятидан кўрсатув.
17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Орол менинг ҳаётим ва орзуим».
19.00 «Чорвадор» программаси. Чорва қишловининг бориши ҳақида.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Санъат олами». Амалий санъат муаммолари ҳақида.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбек куйларидан концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Ойбек. «Навоий». Кўп серияли телевизион видеофильм. 8-қисм.
23.05 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув.
00.05 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.05 «Китоб дўстлари». Телеальманах (рус тилида).
19.45 «Заминнинг барча гуллари». Телефильм.
20.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бўлажак депутатга уч савол». Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзадлар билан телевизион танишув.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.00 «Сиёсий минбар». Федерация муаммолари.
22.40 «Фақат мен биламан». Бадиий фильм.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.00 «Қувноқ стартлар».
9.45 «Васька». Уч серияли телевизион бадиий фильм («Ленфильм»). 1-серия. Премьера.
10.50 «Бизнинг бурчимиз». «Гжель — ўзи қанақа?».
11.35 «Бу бўлган... бўлганди...».
11.55 Болалар соати (француз тили дарси билан).
12.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот).
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.00 «Бойсунда қорлар эриётган пайтда». Фильм-концерт премьераси (Тошкент).
16.30 «Бу тушуниб бўлмайдиган Галимзянов». Ҳужжатли фильм.
16.55 Ф. Шуберт. 5-симфония.
17.25 «Ғаройиб ороллар». Янги Зеландия ҳақида.
18.25 «Бор бўл, мусиқа!».
18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 «Ёшлар хабарномаси».
20.10 «Мўъжиза кун». Мультфильм.
20.30 «9-студия».
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Долзарб интервью.
22.10 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Бир дақиқа ҳам тинчлик йўқ». Композитор В. Добрынин ижодий кечаси.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Ҳаммасига чора топилади». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Физика. 11-синф. Лазерлар.
10.05 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.40 Биология. 6-синф. Ўсимликларнинг вегетатив кўпайиши.
11.55 «Билимдонлар учун машқ».

*

13.00 Такрорий телефильмлар сеанси. «Сарсонлик-саргардонликда». 2-серия.
14.15 Ритмик гимнастика.

* * *

17.30 «Муми-Долда ёз». Мультфильм.
17.50 «Братиславанинг мусиқий тантаналари» фестивалининг концертлари. Б. Барток. Оркестр учун концерт.
18.30 Ритмик гимнастика.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Б. Феоктистов чалади (балалайка).
19.40 Тожикистон ССР Давлат телерадиоси. «Рогун — яшаш ҳуқуқи» (Душанбе).
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Шеърлар ўқийлар».
20.45 «Россиянинг чўнтаги». Телевизион ҳужжатли фильм. Нижегород ярмаркасининг тарихи ҳақида.
21.05 Телевизион мусиқий абонемент. «Шу куннинг созандалари». Пианиночи Н. Штаркман. 1-кўрсатув.
22.00 «Улимидан етти соат олдин». Бадиий фильм («Ленфильм»).

Чоршанба, 7

● ЎзТВ I

11.30 Химия. Кимёвий реакцияларнинг турлари.
12.00 «Мис тоғ бекаси», «Чин дўстлар». Мультфильмлар.
12.30 Умумий биология. Экология предмети ва вазифалари.
13.00 «Зўр ўтирибмиз!». Бадиий фильм («Мосфильм»).

* * *

17.30 «Дедуровка: қишлоқ педагогикаси саҳифалари», «Ялпиз исли туш». Ҳужжатли фильмлар программаси.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун. «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
18.40 «Депутатликка номзодлар». ЎзССР халқ депутатлигига номзод, «Узбексельмаш» заводининг ишчиси Акбар Юсупов ҳақида телеочерк.
19.00 «Хотира» туркумидан. Рафиқ Мўмин. Таваллудининг 90 йиллигига.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ижара шарофати». «Ташводстрой» трести 5-кўчма механизациялашган колоннасида ижара пудрати тажрибаси ҳақида.
20.00 «Алифбо сабоқлари». 2-кўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ёш ижрочилар концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Ойбек. «Навоий». Кўп серияли телевизион видеофильм. 9-қисм.
23.10 Янгиликлар.
23.15 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.05 «Турар-жой —2000». Самарқанд вилоятида уй-жой қурилиши тажрибасидан (рус тилида).
19.35 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Оқ бўриларнинг». Бадиий фильм («ДЕФА», ГДР).
21.15 «Доноликда неки мужассам бўлса». Ҳужжатли телефильм.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.00 «Айил кечтери». Қорасу районидан.
23.00 «Николай Рерих». Илмий-оммабоп фильм (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Бор бўл, мусиқа!».
9.35 «Васька». Уч серияли телевизион бадиий фильм («Ленфильм»). 1 ва 2-сериялар. Премьера.
11.55 «Дунё бўйлаб». Альманах.
12.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот).
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
13.30 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Машъала ва ниқоб» (Шри-Ланка).

* * *

16.00 «Прелюдия». П. И. Чайковский номли Ростов мусиқа мактаби болалар камер хори ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
16.30 В. Кандинский кўргазмаларида.
17.30 «Барча даврлар мусиқаси». И.-С. Бах. Скрипка, гобой ва оркестр учун ария-концерт (Болгария телевидениеси).
17.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 «Пульс-90». Биз ва экономика.
20.20 «Васька». Уч серияли телевизион бадиий фильм («Ленфильм»). 1-серия. Премьера.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Долзарб интервью.
22.10 «Кулги кечаси» (1989 йил 31 декабрдаги кўрсатув такрорланади).
00.05 «Мен онамнинг қўлларини эслайман». Телевизион ҳужжатли фильм.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15 «Кристаллар ичида». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Физика. 9-синф. Н. Е. Жуковский ва унинг ишлари.
10.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 Мусиқа. 5-синф. М. П. Мусоргский. «Кўргазмадан манзаралар».
12.05 «Сиз яратган боғ».

*

13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Сарсонлик-саргардонликда». 3-серия.

* * *

17.30 «Муми-Долга куз келди». Мультфильм.
17.45 Украина ССР Давлат телерадиоси. «Менинг ерим. Халқимнинг дарёси» (Киев).
18.30 «МИГ»лар ва давр». Ҳужжатли фильм премьераси (Мудофаа министрлигининг киностудияси).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ўзини қандай тутиши керак».
20.45 «Бу омадли Новиков». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.05 Телевизион мусиқий абонемент. «Шу куннинг созандалари». Н. Штаркман. 2-кўрсатув.
21.45 «Биз ажабтовурларданмасмиз». Телевизион ҳужжатли фильм.
22.00 «Амуланга». Бадиий фильм («Мосфильм»).
23.15 Баскетбол. Р. Корач кубоги. Эркаклар. МАСК — «Босна» (Югославия).

Пайшанба 8

● ЎзТВ I

11.30 Табиатшунослик. Ўлкамиз табиатининг хилма-хиллиги.
12.00 «Тошкент». Ҳужжатли фильм.
12.30 Ботаника. Ўсимликларнинг вегетатив кўпайиши.
13.00 «Оқ бўрилар». Бадиий фильм.

* * *

17.30 «Иштиёқ». Телефильм.
17.40 «Халқ истеъмоли молларининг сифати учун». Кўқон кўн заводи.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшлар кўзгуси». «Еш ленинчи» газетасининг 65 йиллигига.
19.00 «Деҳқон юмушлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Амалий давра суҳбати».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Хотира». Абдулла Қодирийга бағишланади.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Оқибатли, диёнатли бўлайлик». Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси ҳайъатининг раиси, СССР халқ депутати Муҳаммадсодиқ Муҳаммадюсуф билан суҳбат.
22.20 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
23.45 Янгиликлар.
23.50 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ахмал Икромов райони: бугун ва эртага».
19.40 Реклама.
19.50 «Алишер Навоий». Бадиий фильм («Ўзбекфильм», рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.00 «Сирена». Жиноятчиликка қарши кураш.
22.20 «Суруди Хосият». Хосият Ортиқова иштирокида концерт. Душанбе шаҳридаги киноконцерт залидан кўрсатув.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Левша» ансамбли ижро этади (Тула).
9.25 «Васька». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2 ва 3-сериялар. Премьера.
11.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
12.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот).
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. Ҳужжатли фильмлар: «Шарқий форт», «Прохоровка яқинидаги майдон».
16.50 «Мусиқий хазина». Г. Свиридов. «Пушкин гулчамбари». Хор учун концерт.
17.40 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Осойишталикни бузувчилар», «Мана шундай яшаяпман».
18.40 «Кекса денгизчининг ҳикоялари». Мультфильм.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.10 «Васька». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. Премьера.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Долзарб интервью.
22.10 «Етти Симеон яшаган экан». Ҳужжатли фильм премьераси (Шарқий Сибирь кинохроника студияси).
23.40 «Балет, балет».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15, 12.05 «1500-иш». Илмий-оммабоп фильм.
9.45, 10.35 Табиатшунослик. 5-синф. Ильмен кўриқхонаси бўйлаб саёҳат.
10.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.55 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал.
11.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 Биология. 8-синф.

*

13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Сарсонлик-саргардонликда». 4-серия.
14.35 Ритмик гимнастика.

* * *

17.30 «Икки заранг». Мультфильм.
18.10 «Юриш сиздан, директор». Чечен-Ингушия АССР Урус-Мартановский озиқ-овқат комбинатининг директори Т. М. Гаургаев ҳақида.
18.30 Ритмик гимнастика.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Тиллар байрами — эллар байрами».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Навоийхонлик». Мусиқий кўрсатув.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Навоий наволари». Мусиқий кўрсатув.
23.30 «Асрлар оша...». Камолиддин Беҳзод.
24.00 Кўрсатувлар программаси.

Жума, 9

● ЎзТВ I

17.25 Кўрсатувлар программаси.
17.30 «Шоирлар — болаларга». Турсунбой Адашбоев.
18.10 «Абадият», «Ассалом, Навоий!».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Тиллар байрами — эллар байрами».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Навоийхонлик». Мусиқий кўрсатув.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Навоий наволари». Мусиқий кўрсатув.
23.30 «Асрлар оша...». Камолиддин Беҳзод.
24.00 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.05 «Товарлар — халққа». Енгил саноат корхоналарининг янги ишлаб чиқаришдаги иши ҳақида (рус тилида).
19.45 «Ёшлик» студияси почтасидан.
20.30 «ЎзССР Ички ишлар министрлиги хабар қилади...» (рус тилида).
20.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Айни ҳаракат пайти». Сайловлар олдидан (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.00 «Навиди Душанбе».
22.45 «Физиклар». Телевизион бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 Мультфильмлар: «Дилли Далли Муркин паркида», «Дилли Далли қуёшли боғда», «Қўлқоп».
9.30 «Васька». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. Премьера.
10.45 Туркманистоннинг мусиқий фольклори.
11.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
12.00 «Умринг боқий бўлсин, Ер!».
13.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

16.00 «Уч кооператив учун соната». Телевизион ҳужжатли фильм. Грузия кооперативлари ҳақида.
16.25 Чувашия АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.
17.10 «Соат бешда портлайди». Бадиий фильм (ЧССР).
18.15 Фалсафий суҳбатлар. «Рус фалсафаси ва ҳозирги давр». 1-кўрсатув.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
19.30 Мультфильмлар: «Манзара», «Пийма».
19.35 Халқаро конкурслар лауреати Д. Хворостовский куйлайди.
20.15 «Васька». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. Премьера.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 Долзарб интервью.
22.10 «Бу бўлган... бўлганди...».
22.35 «Нигоҳ».
00.05 МТ хазинасидан. РСФСР халқ артисти Э. Грач концерти (скрипка).

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

9.15, 12.05 Илмий-оммабоп фильм (Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси).
9.45, 10.35 Табиатшунослик. 2-синф. Шаҳар ва қишлоқда қишки меҳнат.
10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.55 «Ҳамма нарсани билишни истайман!». Киножурнал.
11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 Тарих. 8-синф. XVII аср рус маданияти.

*

13.05 Такрорий телефильмлар сеанси «Сарсонлик-саргардонликда». 5-серия.

* * *

17.30 Мультфильмлар: «Сеҳрли таёқча», «Қуёнча адашиб қолди».
17.55 Эвенкларнинг турмуш ва меҳнати ҳақида ҳужжатли фильм.
18.25 Латвия ССР Давлат телерадиоси. «Ҳунардан унар». Ригадан кўрсатилади.
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 «Қариялар иши». В. Шукшин ҳикоялари асосида телеспектакль.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Эртак-эртак ўйнаймиз». 2-қисм.
20.45 «Узи ўрганган Суворов». Ҳужжатли фильм премьераси. Калинин вилояти Волнога қишлоғидаги ҳаваскор рассом ҳақида («ЦНФ»).
20.55 «Сен мени тинглаяпсанми...». А. Петренко иштирокида фильм-концерт («Экран»).
21.35 Спорт ҳамма учун.
21.50 «Советский патриот». Киножурнал.
22.00 «Ярим тундаги совға». Телевизион бадиий фильм (Болгария). 1 ва 2-серилар. Премьера.
00.05 Хоккей. СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Крилья Советов». 2 ва 3-даврлар.

Шанба, 10

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.

*

10.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Оила».
11.15 Ёш спортчи мактаби: 1. Кураш. 2. «Шоҳруҳ» клуби.
12.15 «Объектива — қайта қуриш». Тошкент тўқимачилик комбинати коллективининг ижара пудрати шароитларидаги иш тажрибаси ҳақида.
12.55 «Деҳқон ва замон». Қишлоқ меҳнаткашлари учун программа.
13.55 «Демократия йўлидан». Янги сайлов системаси ҳақида.

Тижорат видеоканали

14.25 Фарғона вилояти Олтиариқ район «Зилола» ансамблининг концерти.
15.05 «Илғор тажриба мактаби». Сурхондарё вилояти Сариосиё район «Дашнобод» совхози коллективининг иш тажрибаси ҳақида.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Қароқчининг ёзишмалари». Мультфильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Долзарб интервью». Ўзбекистон санъат арбоби, ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов билан суҳбат.
20.00 Муножот Йўлчиева куйлайди.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Муножот Йўлчиева куйлайди (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.00 Экранда — кинокомедия. «Тўғри сўзнинг тўқмоғи» («Мосфильм»).
23.15 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув.
10.00 Кинопрограмма.
11.00 «Украина куйлайди». Фильм-концерт.
12.05 «Бу ерда бегоналар юрмайди». Бадиий фильм.

* * *

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Мутлақо сир эмас».
18.30 Мультфильмлар программаси: «Қўшнилар», «Қимматбаҳо бандероль», «Қора лайлак».
19.00 «Новости».
19.20 «Шоир, денгиз ва илҳом». Фильм-концерт.
20.00 «Ахбор».
20.20 «Парасту». Профессионал театрларнинг жумҳурият конкурси.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Гулбарг». Кўргонтепа шаҳар «Гулбарг» адабий клуби меҳмонимиз.
22.55 «Бу ерда бегоналар юрмайди». Бадиий фильм.

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.00 «Заминимизнинг ўша бурчаги...». Фильм-концерт. А. С. Пушкин ёзиб олган халқ қўшиқлари.
9.55 «Сиз яратган боғ».
10.25 «Инсон институти».
11.25 «Ҳайвонот оламида».
12.25 «Борис Пастернак». Таваллудининг 100 йиллигига.
13.30 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Давр бизни танлади». Беш серияли телевизион бадиий фильм («Беларусьфильм»). 1 ва 2-сериялар.
15.50 «Таиланд: анъаналар ва замонавийлик».
16.20 Опера экрани. «Француз тили дарслари». Телевизион бадиий фильм («Мосфильм»).
18.00 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Оркестр садолари остида» (Швейцария).
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 «Мушук ва масхарабоз». Мультфильм.
19.25 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Миллионни қандай ўғирлаш мумкин». Бадиий фильм (АҚШ). 1 ва 2-сериялар.
21.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.00 «Телетомошабин ҳамроҳи».
22.15 «Биргаликда куйлайлик, дўстлар».
00.10 С. Лем. «Бутерброд». Телеспектакль. Премьера.

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика.
8.45 «Биринчи рейс». Телевизион бадиий фильм («Ленфильм»).
10.00 Мультфильмлар: «Оқ пўстин», «Столни қандай олиб келишди».
10.15 «Челюскинчилар». Бадиий фильм, субтитр билан («Ленфильм»). 1-серия.
11.20 Иттифоқдош республикалар кинопублицистикаси. «Овозимизни бутун дунё эшитади». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киев).
12.10 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан кўрсатиладн:
13.10 «Юрмала-90». Совет эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари V Бутуниттифоқ телевизион конкурсининг регионал босқичи. Минскдан кўрсатилади.
14.30 «Уста ва Бригантина». Телевизион ҳужжатли фильм.
15.00 «Совет Россияси» видеоканали.
17.30 «Шарқий Сибирь». Киножурнал.
17.40 «Тараққиёт. Ахборот. Реклама».
18.10 «Мен — шифокорман». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»).
19.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
19.30 Педагогика ҳамма учун.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Эртак-эртак ўйнаймиз». 3-кўрсатув.
20.45 «Агар сиз...».
21.30 «Виват, Россия!».
22.10 «Наҳот бу ўша Татьяна». Телевизион ҳужжатли фильм.
23.10 «Джаз юлдузлари». Д. Браун ва О. Лундстрем раҳбарлигидаги оркестр.

Тунги сеанс

00.20 «Севги ҳақида достон». Киноконцерт.
00.50 «Йўқолган хазина». Бадиий фильм («Мосфильм»).

Якшанба, 11

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.

*

10.00 «Ишдаги ишқ мажароси». Бадиий фильм. 1-серия («Мосфильм»).
11.25 Волейбол бўйича СССР чемпионати. «Автомобилист» (Тошкент) — МАСК.
12.05 «Ишдаги ишқ мажароси». Бадиий фильм. 2-серия.
13.10 «Ҳужжатли экран».
13.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
14.55 «Халқ севган достонлар». Абдуқаҳҳор Раҳимов. «Хондалинг».

Тижорат видеоканали

15.55 «Чўлда камол топганлар». Қашқадарё вилояти Нишон районидаги «Ленинобод» совхози меҳнаткашларининг фаолияти ҳақида.
16.15 «Нон ва хўжалик ҳисоби». Хўжалик ҳисоби шароитларида Шўрчи нон маҳсулотлари комбинатининг иши ҳақида.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Кулча нон». Мультфильм.
18.15 Болалар учун концерт.
18.45 «Халқ номзодлари». Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига сайлов ўтказувчи Тошкент вилояти Чиноз район 115-округ сайлов участкасидан репортаж.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
21.30 Москва. «Время».
22.30 «Боз як барноман чавони».

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун.
8.45 «Спортлото» тиражи.
9.00 Ритмик гимнастика.
9.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув.
10.30 «Ватан хизматида».
11.30 Тонгги дам олиш программаси.
12.00 «Саёҳатчилар клуби».
10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама.
10.15 «Китобчанинг викторинаси».
10.55 «Саховат улашиб», «Мусиқа сабоқлари». Фильм-концертлар.
12.00 «Ошкор қилинмаслиги керак». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Ошкор қилинмаслиги керак». Бадиий фильм.
19.30 «Телетомошабин ҳамроҳи».
20.00 «Ҳафта». Информацион программа.
20.30 Мусиқий кўрсатув.
21.30 Москва. «7 кун».
22.30 «Боз як барноман чавони».

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун.
8.45 «Спортлото» тиражи.
9.00 Ритмик гимнастика.
9.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув.
10.30 «Ватан хизматида».
11.30 Тонгги дам олиш программаси.
12.00 «Саёҳатчилар клуби».
13.00 «Мусиқий киоск».
13.30 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Давр бизни танлади». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
14.35 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс.
14.40 «Здоровье».
15.25 «Баллада». Фильм-концерт («Экран»).
16.15 «Қишлоқ янгиликлари».
17.15 «Бу қўшиқни эслаб қол». Катталар ва болалар учун.
17.30 «Марафон-15». Болалар ахборот-публицистик кўрсатуви.
19.00 «Бу ҳаммаси меники эмас». Ҳужжатли фильм.
19.30 «Россини Версалда». Опера санъатининг етук усталари иштирокида концерт.
20.25 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Юзма-юз». Беш серияли телевизион бадиий фильм («Ленфильм»). 1-серия.
21.30 «7 кун».
22.30 «Абадият ҳақида ўйлар».
22.45 «П. И. Чайковскийнинг барча симфониялари». 4-симфония.
23.40 «Уларни Юрмала кашф этди». Мусиқий кўрсатув.

● МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг!
8.45 «Икки айиқча». Мультфильм.
9.00 «Мардасова қўшиқ айтганда». Фильм-концерт («Экран»).
9.40 «Она-замин ташвишида» туркумидан телевизион ҳужжатли фильм. «Дубрава». Воронеж вилоятидаги ноёб ўрмон ҳақида.
10.10 «Челюскинчилар». Бадиий фильм, субтитр билан. 2-серия.
11.15 «Контакт». Телеочерк.
12.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
13.00 «Остонамга эртак келиб қўнди». Мультфильм.
13.15 Белоруссия ССР Давлат телерадиоси. В. Смольский. «Кўҳна афсона». Фильм-опера.
15.00 «Совет Россияси» видеоканали.
17.30 «Планета». Халқаро программа.
18.30 «Киносерпантин». 1-қисм.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Шамол ҳақида эртак».
20.45 «Киносерпантин». 2-қисм.
21.30 «7 кун» (сурдо таржимаси билан).
22.30 «Киносерпантин». 3-қисм. «Гангстерларда ўйин қоидалари бошқача». «Деррик» сериясидан телевизион бадиий фильм (ГФР). Премьера.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-20-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 04007.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.